


А. Зуннунов

*Ӯила
дола шахсини
шакллантириши*



Мехнат

Ўзбекистон давлати
инсониати

Давлати

Kamnat
Tyanp

Omnia BA MarteG
nukrimmomin
nypnhinnun
irape BA MartaG

Y36KNC
Janat

БОШЧАСИРДЫЛАНГИЧ МАЛЬУМО
БАТАНСЫЗДАГЫ ЖАЙ

Ўзбекистон давлати ва бошқа давлатлар хўжалиги
Махаллий ўлка хўжалиги
Бола яшаётган шаҳар, туман,
маҳалладаги меҳнат жараёни
лаги меҳнат жа-




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

3-93

А. Зуннунов

ОИЛАДА БОЛА ШАХСИНИ
ШАКЛАНТИРИШ

Педагогик таълим ўйналишларининг талабалари
ва педагоглари ҳамда бола шахсини шакллантирув
ишлари учун ўқув қўлланма



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
2006

Тақризчи:

Малла Очилов – педагогика фанлари доктори, профессор

М.Ю. И smoилова – 1-ТПК раҳбари, педагогика фанлари номзоди

Ё.Н. Расулова – педагогика-психология ва КТМ кафедраси мудири

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи:

Асқар Зуннунов – педагогика фанлари доктори, профессор

Тузувчидан:

Рисола оиласида бола тарбиясида ота-оналарга кўмаклашиш мақсадида тайёрланди. Шунга кўра, унда ўтмиш халқ донишмандлари, шарқшунос олим Шорасул Зуннуннинг «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» ва у асосда нашр этилган Максуд Қориевнинг «Дурданалар хазинаси», Шоислом Шомуҳамедов тузган «Донолар бисотидан», рисолани тузувчи нашр этган «Донишмандлар тарбия хусусида» китобларида ифодаланган кисса, ҳикоя, ҳикмат – насиҳатлардан намуналар ҳам берилди.

СҮЗ БОШИ

Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли» асарида жамиятнинг асосий негизи бўлган оила, ёшлар тарбияси, инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳақида тўхталиб: «Оила – жамиятимизнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро хурмат ва қаттиқ тарбия бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждан қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга кўяди. Бу эса энг олий да-

ражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир», – дейди ва мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий ютуғи эканини айтиб, шу давлатда яшаётган инсон, оила бошлиқларининг олдида турган асосий вазифаларини аниқ кўрсатади. «...хар бир инсоннинг, – дейди Ислом Каримов, – айниқса, эндиғина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг ўз мақсади йўлидаги событқадамлиги ва ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».¹

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбур эканликлари (64-модда) кўрсатилган, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда болалар

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли. Т: «Ўзбекистон», 1992. 22–23-бетлар.

тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олишлари учун ота-оналар жавобгар эканлиги айтилган; «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаолларининг болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан тарбиялашда амалга оширишлари лозим бўлган вазифа аниқ кўрсатилган.

Демак, ҳар бир оиласда дунёга келган бола – ёш авлод давлат ўртага қўйган мақсадларни амалга оширишда фидокорлик, меҳнатсеварлик билан хизмат қиласиган шахс сифатида камол топтирилиши керак.

Республикада давлатнинг асосий негизи бўлган маҳалла жамоа фаоллари, аксарият, юксак маънавиятли ва маърифатпарвар ота-оналар бу муҳим вазифанинг моҳиятини чукур хис қиласиган ҳолда, фарзандларининг эл-юртга муносиб, жамиятнинг фаровонлиги учун хизмат қиласиган инсон бўлиб етишуви йўлида хизмат қилмоқдалар. Улар ўз фарзандларини инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаб, эл-юртнинг хурматига сазовор бўлганлар

ва бўлмоқдалар. Зеро, Президент Ислом Абдуганиевич Каримов таъкидлаганидек, ватанпарварлик туйғусини «... эҳтиёт қилиб асраш ва янада ривожлантириш, фарзандларимизни эркин ва демократик Ўзбекистонга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш маънавият соҳасидаги ишимиznинг асосий йўналиши бўлиб қолмоғи лозим.

«Халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари соҳибидир. Айни чоғда, оила ва маҳалла руҳиятимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Оила ва маҳалла ҳозирги ўтиш давридаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одамлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда аҳолига ёрдам бермоқда».

Аммо ҳозирги озод, фаровон даврда айрим оилаларда ёш авлод тарбиясига етарлича эътибор берилмаслиги натижасида, ташвишли ҳодисаларнинг юз бериши, Андижон вилоятида содир бўлган кўнгилсиз воқеа оилалардаги тарбияга янада жиддий эътибор беришни тақозо этади. Шунга кўра, тарбиявий ишда ҳурматли ота-оналарга кў-

маклашиш ниятида яратилган ушбу рисолада ўтмиш халқ донишмандлари ва жаҳон илм-фани, маданияти ривожига беназир хисса қўшган буюк алломаларнинг ўз асарларида оила ва бола тарбияси ҳақида изҳор этган фикр-насихатларини қисқача ифодалаб, ҳикмат, қисса, ҳикоятларидан намуналар акс эттирилди.

Ўйлаймизки, муҳтарам ота-оналар оиласда фарзанд тарбиясида олиб бораётган тадбир, сухбатларида ундан фойдаланадилар.

Асқар Зуннунов
п.ф.н., профессор

ОИЛАДА БОЛА ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўтмишда оилада ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўлланган усул ва воситалар, тадбир шакллари, оиладаги ўзига хос урф одат ва анъаналар, оила бошликлари санал-миш ота ва оналарнинг тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ тарбиясида мужассамланган.

Халқ донишмандлари яратган эртак, мақол, қўшиқ, афсона, топишмоқ, латифалар, дўмбира, чилдирма, ўйинлар болалар тарбиясида кенг қўлланган. Кечки пайт, уйқу олдидан оилада уюштирилган сұхбатларда айтиб берилган «Сирли гиламча», «Ур тўқмоқ», «Сусамбил», «Очил дастурхон», «Зангори гилам», «Олтин тарвуз» каби афсонавий эртаклар ва уларда тасвирланган болалар ва катта кишиларнинг хулқатвори, хатти-харакати, ижобий ва салбий хусусиятлари ҳақида фикр билдиришни талаб қилиш йўли билан болаларда адолат, тўғрилик, яхшиликнинг доимо ёвузлик, нопоклик устидан ғалаба қозониши хусусида тушунча ҳосил қилинган.

Эртаклардан руҳий озиқ олган болалар ҳаётдаги ва одамлардаги яхши фазилат ва ёмон хислатларни билиб олишган, ҳурмат ва мурувват, адолат, дўстлик каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Натижада, бутун ҳаётлари давомида эртаклар уларнинг доимий ҳамроҳи бўлган, ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилган ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда. Оналар дунёга келган фарзандлари учун энг меҳрибон, тенги йўқ сирдош бўлишган, кечалари уйқуни тарк этиб, бешик тебратиб, алла айтиб, болаларини ухлатганлар:

Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла,
Икки кўзим алла,
Ширин сўзим алла.

Ўтмишда оиласидаги тарбияда рағбатлантириш, мақтов, намуна кўрсатиш, таъқиқлаш, мажбур этиш усулларидан ҳам фойдаланилган. Бу усулларни қўллашда, ахлоқ қоидаларига суюнган ҳолда, қилган иши, меҳнати, хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида болаларда ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилинган, уларнинг

ахлоқлилик ва ахлоқсизлик маъносини билб олишларига эътибор берилган. Бу тартиб тарбияда асосий қоида ҳисобланган.

Халқимиз миллий маданиятида ўзига хос хусусиятларга, турмуш тарзига эга бўлган, миллий маданий фазилатларни – тавозе, садоқатлилик, марҳаматлилик, шафқатлилик, ҳаёлилик, мурувватлилик, ваффодорлик, кўркам хулқиликни эъзозлаган, ҳирс ва баҳиллик, тажовузкорлик, такаббурлик, мунофиқлик, ёвузлик каби иллатларни қоралаган. Оила ва жамоат аъзолари, бўлаларни яхши ахлок-одобли қилиб етказишга эътибор бериб, уларни уй, дала, дехқончилик ишларида иштирок эттириб, оиласда, жамоада осойишталикни, аҳилликни, дўстликни мустаҳкамлашган, болаларда халқимизга хос меҳнатсеварлик фазилатини шакллантиришни, уларни жисмонан соғлом қилиб етиштиришни ўзларининг асосий вазифаси, бурчлари ҳисоблаганлар.

Ўзбек оиласига хос инсонпарварлик фазилати, масалан, Тошкент шаҳарида яшаб, артелда оддий темирчи-ишчи бўлиб меҳнат қилиган Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг

рафиқаси Баҳри Акрамованинг иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг давом этаётган шаҳар, туманлардан келтирилган турли миллатга мансуб 14 болани ўз тарбияларига олиб, вояга етказганлигида ҳам ёрқин на-моёндир.

«Болаларнинг ўз ота-оналарини соғин-ганликлари, – дейди Шоаҳмад ака, – уларнинг кўзларидан аниқ сезилиб турар эди... мен бир болани олиб хонадан чиққанимда, бошқа бир бола югуриб келиб, ўзини қучоғимга ташлади ва: «Амаки, жон амаки, мени ҳам тарбиянгизга олинг, мен сўзингиздан чиқмайман, сизга ёрдам бераман!» – деди. Уруш вақтида ота-онасидан жудо бўлган боланинг бу сўzlари ҳамон эсимда турибди. Мен эртага келиб, сени ҳам олиб кетаман, дедим ва сўзимнинг устидан чиқдим. Биз ўн етти болани ўз тарбиямизга олиб ўсттирдик».

Жангда иштирок этаётган лейтенант Свистун йўллаган мактубида дейди:

«Ажойиб инсон Шоаҳмад Шомаҳмудов! Сиз – Ўзбекистон ўғлони, мен – Украина фарзандиман... Сиз Ватанимизнинг муносаб отасисиз. Биз сиз билан фахрланамиз. Ҳар

бир снарядни аниқ нишонга уришга, фашист ваҳщийлари устига аниқ ташлашга ваъда берамиз. Сизга 1000 сўм пул юборяпман.

Сиз ўз қарамоғингизга олган болалар тарбиясига мен ҳам озгина бўлса-да, ҳиссам қўшилишини истайман»

Шоаҳмад Шомаҳмудов оиласининг буюк инсоний жасорати Ўзбекистон Республикаси халқлари дўстлигининг рамзи бўлди, 1982 йил май ойининг 26-куни Тошкентда Шоаҳмад Шомаҳмудов ва рафиқаси Баҳри Акрамова оиласи акс эттирилган ҳайкал ўрнатилиди.

Оила тарбиясида болани ёшлигидан бошлаб бир ишга ўргатиш, кичик вақтиданоқ унга бир юмуш бериб, иш қилишга одатлантиришга эътибор берилган. Натижада, болада ишга кўникиш, севиш, ишга берилиш ҳисси уйғонган, ривожланиб борган. Унда яшашнинг асоси меҳнат эканлиги ҳақида тасаввур шакллана бошлаган.

Демак, бола ҳаётда яшашнинг асоси меҳнат эканлигини билиб, ўзи эркин ишласин, хатоларини кўриб, уни тузатишга ҳаракат қилсин. Ишлаганда, ишининг нати-

жасини ўйлаб тўғри фикр юритишга, тўғри ишлашга, ғайрат қилишга кўниксин.

Табиий, бу малакалар бирдан ҳосил бўлмайди, балки аста-секин юзага келади. Лекин заминни жуда ёшлик пайтдан яратиш керак. Болада меҳнат малакаси вужудга келса, у ота-онаси, катталарнинг кўрсатиб туришини кутиб ўтирмай, ўзи эплаб кетаверади. Дунёда яаш ҳар кимнинг ўз ғайрати ва хоҳишига боғлиқ эканини англайди.

Ишга ўрганиш ва ўргатишда диққат қилинадиган яна бир нарса – ҳар ишни ўз вақтида бажаришдир. Ишга одатланиш қанча муҳим бўлса, ишни ўз вақтида бажариш шу даражада муҳим, балки ундан ҳам муҳимроқдир.

«Меҳнат қилиш ҳаётнинг қонуни эканлигини болалик чоғиданоқ тушунган одамгина, фақат пешона тери тўкиб нон топиш мумкинлигини ёшлигинадоқ тушунган одамгина қаҳрамонлик кўрсатишга қодир бўлади, чунки унда бунинг учун ҳар бир кун ва ҳар бир соатда ирода ва куч топилади» (Жюль Верн). Ўтмишда ўзбек халқининг асрлар давомида бола тарбиясида эришган

муваффакиятлари халқчил ҳусусиятга эга бўлган.

Ўтмишда яшаб, халқ урф-одати, анъаналарини ўрганган мутафаккирлар бу қадриятлар келгуси авлодлар учун ҳам зарурлигини билиб, уз ижодий фаолиятларида уларни ташвиқ этиб, ўз шахсий фикрларини ҳам изҳор этганлар.

Боланинг атрофида соғлом, тўғри фикрли, гўзал ахлоқли одамлар бўлса, уларниң яхши фазилатлари боланинг ақлли, ахлоқли бўлишига таъсир этади, албатта.

Ўзаро иттифоқлик, муҳаббат бўлган ҳар бир оила муруватли ва баҳт-саодатлидир. Оила аъзоларининг бир-бирларига маънавий, маданий мулоқотда бўлишлари энг кўркам хислатдир.

Бола ҳар жиҳатдан улар сингари бўлиб ўсади. Бола: «Уларга ўхшаб етишаман» деган сўзни кўнглига олмаса ва улар каби бўлишга уринмаса ҳам, барибир; у улар фикридан, ахлоқидан ўrnак олади, бу табиий ҳолдир.

Умуман, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқи ўзига хос ахлоқ қонун-қоидаларини

яратди. Инсонийлик мезони ахлоқ қонуниятининг асоси бўлган.

Ақлий тарбия инсоннинг шарафли, ғайратли, иродали бўлишида муҳим омил бўлди. Оила тарбиясида асосий устоз – отона, кексалар бўлдилар. Мутафаккирлар уларни бола тарбиясида тутган ўрнини, кўрсатган таъсирларини улуғлаб, оила ҳақида ибратли ҳикоятлар, қиссалар яратдилар, уларда ўз фикрларини изҳор этдилар.

Ибратли бола тарбиясининг таъсирига бир мисол:

Бир куни Бағдод шаҳри кўчаларининг бирида болалар ўйин билан машғул эдилар. Тасодифан, халқ қошида обрў ва эътиборга эга бўлган бир қари одам отга миниб ўша кўчадан ўта бошлади. Ўйнаб турган болалардан бири чолнинг келаётганини кўриб, четроқ жойга чиқиб турди. Қари киши етиб келгач, қўл қовуштириб салом берди. Бошқа болалар эса, чолга эътибор бермай, ўйинга машғул бўлдилар.

Чол бу боланинг оқилона ҳаракатидан завқланди. У болаларнинг одобини синаш

учун болалар ёнига келиб, қўлидаги узукни уларнинг ўртасига ташлаб:

– Қайси бирингиз узугимни қўлимга олиб берсангиз, китоб, дафтар олиш учун пул бераман, – деди. Болалар бир-бирлари билан уришиб, узукка ёпирилдилар. Нихоят, бир бола чақконлик билан узукни олиб, чолнинг қўлига берди. Салом берган бола эса, узукни олиш учун қилган ҳаракатларга қўшилмай ўз жойида туради. Чол у боланинг ҳолига диққат қилиб туради. Бу дафъа узукни унинг ёнига ташлади. Бола дарҳол узукни ердан олиб артди. Чолга таъзим қилиб, унинг қўлиға берди. Чол у боланинг одоб, тарбиясидан завқ-шавққа тўлиб, таҳсин-офарин қилди, отдан тушиб, боланинг пешонасидан ўпиди, унинг ҳақига хайр-дуо қилди, тарбияли, одобли қилиб ўстиргани учун унинг отонасига раҳматлар айтди. Ҳамма болаларни йифиб, уларга ахлоқли, тарбияли бўлиш ҳақида панд-насиҳат қилди.

Кейин ёнидан пул чиқариб болаларга:

– Хайр, болаларим, энди мен кетаман, мана бу пулга китоб, дафтар, қалам олинг, – деб пулни ҳалиги одобли боланинг қўлига берди.

Ҳар кишининг дунёда ороми, жони – тарбият,
Бахту иқболу саодатнинг макони – тарбият.
Эй оталар, жонларингиздан азиз
фарзандларингиз
Ғайрат айланг, ўтмасин вақту замони
тарбият.

ОТА-ОНА – БИРИНЧИ МУРАББИЙ, УСТОЗ

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхис-саломнинг ҳадисларида ота-онанинг вазифаси ҳақида шундай дейилади: «Ота-оналар болани дунёга келтирилишига сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун бўлқишига сазовордирлар».

«Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди» (735-ҳадис). Шу туфайли ҳам бола тарбиясида биринчи устоз, тарбиячи ота-онадир. Шунга кўра, ҳаётга ҳурмат, аввало ота-онага бўлган меҳр-муҳаббатдан бошланади. Чунки ота-она учун энг буюк баҳт фарзанди ва унинг камолидир. Бола шуни бутун вужуди билан ҳис этиши керакки, у дунёга келганда, унинг йиғисини биринчи бўлиб она эшитади, она-нинг биринчи алласи ҳам ана шу фарзандга бағишланади.

Она фарзанд учун ҳамма нарсага тайёр.

* * *

Оlam шодлиги ва ободлиги оналар билан.

Она – ақл ва идрок тимсоли, гўзаллик ижодкори.

Дарҳақиқат, она бўлиш – улуғ бир неъмат ва назирсиз бир шарафдир. Оналик вазифасини тўла адо этган, номус либосини кийган, сабр деган улуғ фазилат билан зийнатланган, қаноатли, одобли она – баҳт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳисса-лом: «Жаннат оналарнинг оёқлари остида-дир», деб ҳаётда оналарнинг тутган ўрнини, буюк зот эканликларини аниқ кўрсатган.

Оналар кундузи қуёш мисол, кечалари ой бўлиб, болаларига нур сочади. Бешикни тебрата бориб, муҳаббат ва меҳр деган, муқаддас фазилатни, сахийликни, одамгарчиликни болаларга улашадилар.

Искандар 30 йил давомида бир неча мамлакатларни забт этиб, хасталаниб, ўлими олдидан онасига қўйидаги мактубни йўллади:

«Бузилган танамнинг жони, вужудим бебаҳо лаълисининг қони бўлмиш онамга сўзим шуки, мен сени кўпдан кўп айри-

лиқларға ташлаб юрдим, сендан йироқ кетиб, сени қийнадим. Аслида эсимни таниган, ақл миямга ҳарорат берған кундан бoshлаб сенга ўғиллик қылсам, яъни сенга қулдек хизмат қылсам бўлар экан; аслида сенинг остананг тупроғига айлансану, унинг отини мен шоҳлик деб билсан бўлар экан... ғам билан эзилган болангдан сен рози бўлмасанг, бу бечоранинг ҳолига вой!

Сен жаҳон кишиларининг энг доноси ва эл-улус васиятларини бажо келтирувчисан... сен табаррук ва баҳтиёр кишиларининг сардорисан».

Ота-онага хурмат, айни вақтда, Ватанга, инсонга, халққа бўлган хурматдир. Ёшлар оналарга меҳр-муҳаббат руҳида камол топсалар, бундан жамият жуда катта манфаат кўради.

Демак, болаларга оналар тўғрисидаги китобларни ўқиб бериш, ё ўқишга тавсия этиш жараёнида шунга эътибор бериш зарурки, улар оналар олдида ниҳоятда қарздор ва бурчли эканини чуқур ҳис этсинлар. Бу, айни чоғда, бола шахси ва ахлоқининг шаклланишига ҳам тўла имконият яратади.

Машхур сайёҳ Абул Қосим Охунзода айтади:

— Онанинг фарзанд устидаги ҳақи ота ҳақидан уч ҳисса кўпdir: 1. Она боласини бир йилча ўз қорнида авайлаб сақлайди. 2. Гўдакни икки йилча ўз қучоғида асраб, кўп мاشаққат чекади. 3. Тўртинчи йилдан бошлаб ота билан биргалашиб болани тарбия қилишга киришади, лекин унинг тарбияси фарзандга қўйган меҳру муҳаббати отанинг тарбияси, меҳру муҳаббатидан кўра кўпроқdir.

Шунинг учун фарзанд она ҳақини тўла-тўкис адо этишдан ғофил бўлмасин.

Эй ўғил, она ҳақини бажо келтир, унинг розилигини олмай туриб, баҳт-саодат юзи-ни кўролмайсан, онанг сени деб жигарини қон қилди. Отангга ҳам, онангга ҳам хизмат қилиб, уларнинг дуосини ол, норози бўлиб, оҳ уришларидан ҳазар қил.

Лукмони ҳакимдан:

— Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима? – деб сўради-лар.

Луқмони ҳаким шундай жавоб берди:

– Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчатини ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашакдан зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа, тез вақтда дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига баҳтсаодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, ваъз-насиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади.

Улуғ боболаримиз қайта-қайта шуни таъкидлайдиларки, бола – эр билан хотин ўртасидаги муҳаббатнинг жонли ҳосилидир. Бола одамларда оила туйғусини, вазифасини биргалашиб адo қилиш фикрини уйғотиб негизлантирган, жамиятнинг келгусида баҳтли бўлишига хизмат қиласидиган жонли маҳсулдир. Шунинг учун ҳам, болани тарбиялаш оиланинг баҳт-саодатига, жамиятнинг баҳтли бўлишига сабабчи бўлади,

бу эса болаларга кўп аҳамият беришни талаб қиласди. Болаларини жисмонан соғлом, ақлли, ахлоқли, жамиятга, одамларга тухфа беришдан шодланадиган қилиб тарбиялаган ота-оналар ўз вазифаларини тўла-тўкис адо этган бўладилар.

Араб олимларидан Нуъмон ибн Ҳаддод айтади:

— Ўз фарзандларига яхшилик қилишни истамаган ота-она топилмаса керак. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари истиқболи учун олдиндан тайёргарлик кўриш кераклигини эсларига тушириб туришлари лозимdir. Ота-оналарнинг фарзандларга абадий таянч бўлиб қолмасликларини, бир кун қариб кучсизланишларини, ниҳоят дунёдан кетишларини, у вақт оила аъзоларини асраш фарзандларнинг ўзларига қолишини ётиғи билан тушунтириб туришлари керак.

Баъзи ота-оналар ўзларининг қолдирадиган меросларига ишониб, болаларини тизгинсиз қўйиб юборадилар. Дунёда бундан буюк нодонлик йўқдир. Тизгинсиз болалари охирида қандай қийин ҳолга тушишлари-

ни, майшат майдонида ҳайрон ва саргардон бўлиб юришларини эсламайдилар. Шундай нодон ота-оналар фарзандларининг келажагини ўйлашлари керак, албатта.

Янги инсонни тарбиялашда энг таъсирли, самарали ва оммавий воситалардан бири китоб бўлиб, айниқса, боланинг маънавий олами ва шахсини шакллантиришда у алоҳида аҳамият касб этади.

Китоб халқнинг бебаҳо маънавий бойлиги, ҳаёт дарслиги, барча билимлар тилсимотининг калитидир.

Китоб шахснинг ахлоқий ва маданий тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Академик Л.В.Шерба «Идеал саводли киши ҳақида» деган мақоласида ёзган эди: «Кўп китоб ўқиган кишигина ҳақиқий маълумотли, саводли ва маданиятли бўлиши мумкин».

Болаларда китобга ҳавас уйғотишнинг сермаҳсул воситаларидан бири – сўз санъаткорлари билан учрашувларни ўтказишидир. Китобни кўп ўқиш -- яхши, лекин адаб ё ширни ўз кўзи билан кўриш, унинг овозини эшитиш яна ҳам яхши. Шеър сеҳри ҳақида

Фузулий шундай ёзган эди:

Газалдир сафо бахши ақли һазар,
Газалдир гули гулистони хунар.

Қайси оиласда бола ёшлиқдан китоб ўқишига одатланмаса, унинг болалиги, мактабга қатнаши зое кетади. Болалар ёшлиқда кучли түйғулар билан яшайдилар, шу даврда ўқиган китоблари уларда кучли таассурот қолдиради ва улар бир умр эсда сақланади.

Болаларни ёшлиқдан (хатто, мактабга боргунча) китобга ўргатиш ва қизиқтиришнинг бош омилларидан бири эртаклардир. Шунга кўра, ҳар куни кичик ёшдаги болалар бирор чиройли ҳикоя ё эртак эшишилари (катталар ўқиб бериши) айни муддаодир.

Эртаклар болаларда фикр ва фикрлаш уфқини кенгайтиради. Фикр эса шахсда кашф қилиш түйғусини вужудга келтиради. Эртакларда кўпинча ҳақ билан ноҳақлик, яхшилик билан ёмонлик, адолат билан разиллик орасидаги кураш акс этади. Пировардида, ҳақиқат, яхшилик, одиллик енгиб чикаверади. Эртаклар содда тилда баён этилганлиги учун болалар уларни осон тушунишади.

Болалар ўрмонлар, тоғ ва денгизлар би-
лан күпроқ қизиқишиди. Ана шу бепоён
оламга оид эртак-хикоялар, афсона ва
қиссалар болаларни табиат қучоғига олиб
киради, хаёлан коинотга парвоз эттиради.

Сўз – буюк тарбиячи. Ҳар бир қиссадан
жуда муҳим ҳисса чиқарилади. Ана шу
ҳикматлардан ёш қалблар қаттиқ таъсир-
ланадилар. Радио ва телэшиттириш дас-
турларидан ўрин олган адабий ибратли
мавзуларни болалар фаол тинглаб томоша
қилишлари шарт. Буқда ҳам ота-она ташаб-
бускор бўлишлари лозим.

Алишер Навоий таваллуд кунини нишон-
лаш арафасида ўтказиладиган тадбирлар
вактида шоирнинг китобга қанчалик меҳр
қўйганлигига оид тафсилотлар, ҳикоялар,
воқеалар жонли тарзда айтиб берилиши
мумкин. Биргина «Хамса» саҳифаларида
50 дан ортиқ мамлакат ва давлатларнинг
аҳолиси, табиий шароити, бойликлари, санъа-
ти ва маданияти ҳақида маълумотлар бор.
Демак, Навоий кўп китоб ўқиган ва кўп
нарса билган. Улуғ шоирнинг кучли китоб-
хон бўлганини, форс тилларида кўп китоб
ўқиганини Бобур ҳурмат билан эслайди.

Ўтмишда ота-оналар болаларини гўзал хулқли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Ҳозирги даврда ҳам хулқ масаласи тарбияда алоҳида ўрин тутади. Чунки, гўзал хулқ-атворлари билан халқ қошида марғуб ва маҳбуб бўлган одамлар ўзларига ёрдам берганларни ҳеч вақт унутмайдилар, уларнинг номларини доимо хурмат билан ёдлайдилар.

Гўзал хулқли одамлар аҳду муҳаббатли, содик бўладилар. Макру хийла, фисқу фужурдан парҳез қиласидилар. Газаблари ғолиб бўлган чоғда ўзларини тута оладилар, шафқатли ва марҳаматли бўлиб, муҳтојкларнинг ҳожатларини чиқаришга саъй-ғайрат этадилар. Улар шарму ҳаёли, сабру қаноатли, мулойим ва тавозели бўладилар. Фазилат насл-насабда эмас, ақл ва гўзал хулқ-атвордадир.

Маишатда бирор нарсанинг камчил бўлиши бало эмас, бехуда орзу-ҳаваслар балодир.

Тўғрилик, очиқ чеҳралик, ширин сўзлик, ҳалол меҳнат ва оилани муҳтојликка қолдирмаслик – саодатмандлик нишонасидир.

Иzzат ва номусга ёпишмайдиган, ярамас ишлардан ўзини сақлашга иффат дейилади. Халқ қошида уятга сабаб бўладиган ҳар тури ёмон, ярамас ишлардан сақланиш лозимдир.

Иффати ва номуси бўлмаган одамни ҳеч ким севмайди, ҳамма ундан ирганади. Шундай ярамас хулқли одамнинг дўсти, ошнаси бўлмайди. Шунинг учун, иффат ва номусингизни доимо сақланг, шундай яхши хулқингиз устига дод туширмасликка саъйғайрат килинг!

«Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Манфаатпараматлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, у қанчалик ба-ландрвуз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўкиб чиқарилмасин, барибир Ватанга хиёнатдир» (*Ислом Каримов*).

Мавлоно Жалолиддин Румий айтади:

– Гўзал ёки ярамас хулқ-атворга эга бўлганлар дунёда икки хил дарёга ўхшайдилар. Бу икки дарёдан бирининг суви жуда ширин ва фойдали сувдир, иккинчи дарёning

суви қора рангли бўлиб, илон захри, оғуси кабидир. Бу заҳарли дарё сувидан ичганлар ярамас феъл-атворга эга бўлиб, фалокат ва ҳалокатга дучор бўладилар.

Ота-она фарзандларининг улфатларини ҳам кўздан қочирмасликлари керак. Улфатлари гўзал хулқли, тарбияли бўлсалар, фарзандлари ҳам ўша гўзал хислатларга эга бўладилар. Ёмон улфатлар эса, бузук йўлга бошлайдилар. Шунинг учун ота-она фарзандларини ёмонлар билан улфатчиликдан қайтаришга саъй, ғайрат қилишлари лозим.

Одоб-тарбиядан маҳрум бўлган одамлар ўзларига ҳар ёқлама ёрдам кўрсатганларнинг хизматларини унутиб, кўрнамаклик билан бадном бўладилар. Улар бесабаб ачиқланадилар. Ишларининг биносини хиёнат, макру хийла асосига қуриб, ёлғончилик, алдамчиликни ўзларига касб қилиб оладилар, омонат-тўғриликдан ўзларини четлаштирадилар. Шаҳват тизгинини нафс қўлига бериб қўйиб, беҳаёлик кўчасида юрадилар. Иғво, фасод уларнинг ҳамдамлари бўлади.

Мана шундай ярамас хислатли одамлар билан дўстлашиш, улар билан алоқа боғлашни донишмандлар ман этадилар.

Ёмон аҳлининг базмидан бўл узок,
Кўп узоқ бўлсанг, ўшанча яхшиrok.

Қисса: Бир қарға мушук билан жуда яқин дўст бўлиб кетди. Булар ўрмондаги бир дараҳт тагида ҳар куни ширин-ширин суҳбатлашиб ўтирадилар. Бир куни мана шундай суҳбатлашиб ўтирган пайтларида узокдан бир қоплоннинг булар томонига қараб келаётганини кўриб қолдилар. Қарға «пир» этиб учиб дараҳтнинг энг юқори шоҳига қўнди. Мушук нима қилишини билмай дараҳтга тирмашди. Зўр-базўр дараҳтнинг энг паст шоҳига чиқиб олиб, барглар орасига яширинди ва қарғага зорланиб:

-- Дўстим, ҳалокат остидаман, сенинг ёрдамингга муҳтожман, бир илож қилиб, мени бу қўрқинчли аҳволдан қутқаз, – деди.

Ўша дараҳтга яқин ерда чўпонлар юрган эдилар. Қарға учиб бориб чўпонларнинг итларидан бирининг бошига қаноти билан урди. Итлар қарғани тутиб олиш учун югурдилар. Қарға учиб бориб яна бир ерга қўнди, итлар яна қарғани кувлаб кетдилар. Шундай қилиб, қарға уча-уча итларни ўша дараҳтнинг ёнига келтирди. Қоплон дараҳт

тагида мушукни ейишни мўлжаллаб турган эди. Итлар қоплонни кўра солиб, бирдан хужум қилишди. Қоплон тумтарақай бўлиб қочди, итлар унинг орқасидан қувлаб кетди. Шундай қилиб, қарға ўз дўсти мушукни ҳалокатдан қутқазди.

Ҳисса: Бошига мушкул иш тушиб қолганда ёру дўстлар керак бўлиб қолади. Чин, самимий дўст ўз дўстига ёрдам беришга ошиқади, уни оғир, мушкул ҳолдан қутқазишга интилади.

Фаридиддин Аттор айтади:

Яхши ҳамдам истабон бўл ҳамнафас,
Дунёда умрингни ўтказма абас!

* * *

Бир фозил одам шундай ҳикоя қилганди:

— Бир гал Хоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У менга муҳаббатини, са-мимий дўстлигини тинмай сўзларди. Бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Мен итга нон, суяк бердим.

Йўлда икки ўғри хужум қилди. Ҳалиги ҳамроҳим ўғриларни узоқдан кўргани замониёқ, мени ташлаб қочди. Ит эса бир

ўгрини оёғидан тишлаб олиб йиқитди, тала-
ди, ўғри зўр-базўр қочиб қутулди. Иккинчи
ўғрини мён мағлуб қилдим, у ҳам қочиб ке-
тишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, итнинг
ёрдами билан ўғрилардан қутулдим.

Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб,
ёнимга қайтди, риёкорлик билан ҳолимни
сўради. Мен унга:

-- Йўқол, ёнимга келма, сен каби
«дўст»дан ушбу ит вафолироқ, -- деб уни
ташлаб, ит билан Хоразмга қараб йўл ол-
дим.

Болани ярамас ишлардан саклаб, яхши
ишларга қизиқтириш, унинг ёнида ёмон
қилиқлардан сакланиш, одоб, тарбияга зид
сўзларни гапирмаслик лозим.

Ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка, қўл-
дан келганча яхшилик қилишга кўникти-
риш, унинг кўнглига шафқат, марҳамат туй-
ғуларини солишга ғайрат қилиш керак.

Болалар катталарга эргашишга мойил
бўладилар, улар бажарган ишларни қил-
моқчи бўладилар. Шунинг учун ота-она
болани яхши йўлга йўналтириб, ўзлари ҳам
шу йўлдан боришлиари лозим. Ота-онанинг
одоб, тарбия эгаси эканликлари ҳар бир хат-

ти-ҳаракатидан, ҳолларидан кўриниб туриб, болаларига намуна бўлсин.

Болаларга қуруқ насиҳат таъсир қилмайди. Яхши деб билган ишни ишлаб кўрсатиш ва у ишнинг яхшилигига болаларни ишонтириш керак.

Бола тарбия қиласидан одам болага тўғри иш ва тўғри сўзнинг яхши эканини тушунтириши зарур. Болага юмшоқ муомала қилиш, уни вақтида, ўрнида койиш, ҳар вақт тўғриликни сақлаш, муҳаббат асарини кўрсатиб ҳам унга хайриҳоҳ бўлганини билдириш лозим. Унинг бирор бўлмағур ишини кўриш биланоқ, уни қаттиқ койиш, уриш боланинг қаршилигини орттиради.

Яхши тарбияланиб турган болани ўз даржасига лойик мукофотлаш ва бунинг асича бўлғанларга ислоҳ қиласлик равишда жазолаш тарбиянинг негизидир. Мукофот учун ширин сўзлар билан уларни мақташ, керак бўлған нарсаларидан бирор нарсанни олиб бериш, жуда севган нарсаларига эриштириш, бирга ўтириб сухбатлашиш лозимдир. Жазо бериш норозилик аломатларини билдириш билан бўлади. Уриб, койиб, калтаклаб жазо бериш ярамайди. Бола ота-она-

сининг юзларида норозилик аломатларини кўриб, унинг жазо эканини билсин. Мукофот ёки жазо болаларнинг савияси даражасида бўлсин.

Ҳар бир бола болалигини қилмасдан қўймайди, буюк ва кичик бўлмағур ишларни қилиб қўяди. Унинг бу камчиликларини бир йўла битириш мумкин эмас, вақти билан секин-аста тузатиш мумкиндир.

Болаларни жуда эркалатиб юбормаслик, лозим даражада муҳаббат асари кўрсатиб, ҳар ишга саботли бўлиши кераклигини билдириш лозим. Болага вайда ҳилингандарсанни бермаслик – унинг қўнглига ёлғончилик уругини сочиш демакдир.

Бола ҳақи – улуғ ҳақларнинг улуғи бўлиб, бунга ота-она ва мураббийлар масъулдир. Шунинг учун бу ҳақларни билиш ва керакли пайтда адo этиш ота-она ва мураббийнинг бурчидир. Бола ёшлик вақтида ҳар хил тарбияга қобил бўлгани учун, бу вақт улуғ ғаниматдир. Шунга кўра, уни ёшлик, болалик вақтидан бошлаб тарбия қилиш керакдир. Агар болага гўзал тарбия берилса, у баҳтли, саодатли бўлади, ҳар бир яхши

ишлари билан ота-она ва мураббийларини шодлантиради.

Болаларни гўзал тарбия этиш учун ота-онанинг ўзлари ахлоқли, тарбияли бўлишлари шарт. Болаларга берган тарбияларига ўзлари амал қилмасалар, хулқ-атворларини тузатмасалар, болаларига умрлари бўйича тарбия берсалар ҳам, фойдаси бўлмайди.

Агар оталар ўз умр йўлдошлари билан гўзал равишда умр кечирсалар, уларни ҳурматласалар, болалар бундан олижаноблик ва хушмуомалалик одобини ўрганадилар.

Болаларнинг бузук сўзларини эшишиб кулиб туриш, ярамас ишларни олқишлиш уларни орсизлик, ахлоқсизликка одатлантиришdir.

Болаларга назорат остида гўзал ўйинлар ўргатиш уларнинг зеҳнларини очади.

Бола тарбия этиш усули билан ошно бўлиш, хотинлар учун лозим бўлган ишларни билиш, гўзал ва хунук хулқлардан хабардор бўлиш хотинларнинг вазифалариидир, бола тарбияси учун лозим бўлган соғлиқни сақлаш ва тарбия илмидан олган маълум

мотларини орттириш учун ғайрат қилиш лозим.

Онасининг сўзларига жазоланишдан кўрқибгина эмас, ҳурмат ҳомийси бўлган онасига ишонгани ва уни комил севгани учун итоат қилган бола адолат билан тарбияланган бўлади, адолат ўлчови шудир.

Ота-онанинг буйруқларига итоат қилишни, қариндош-урууглар ва бошқа одамлар билан гўзал муомалада бўлишни болаларга сут билан биргаликда сингдириш лозим бўлади. Бу каби вазифалар ота ва мураббийларга ҳам юкланди. Лекин улуг масъулият хотинлар устидадир. Фозил ва олимлардан бири: «Бир хотиннинг ақли ва тарбияси қай даражада эканини билмоқчи бўлсангиз, у тарбиялаган болаларга диққат қилинг», – деди.

Ҳар бир муомаласини мақташ, зийнатли кийимлар кийишга ва ҳар вақт лаззатли овқатлар ейишга одатлантириш бола хулқини бузишнинг асосий сабабларидан саналади.

Ялқовлик, ишёқмасликнинг ёмонлиги-га ишчанлик, ғайрат-саботнинг улуғлигига

эътиқод эттириш, ўзидан катталарни хурмат этишни, кичикларга шафқатли бўлишни ўргатиш, уларнинг дилларидан ҳасад, душманлик, ғийбат, чақимчилик, такаббурлик ва ёлғон сўзлаш каби бузуқлик чўпларини чиқариб, гўзал ахлоқ уруғларини сепиш боланинг гўзал хулқли бўлишига сабаб бўлади. Болаларга ота-онанинг: «Яхши бўлинг, ёмон бўлманг» – деб насиҳат қилишларигина кифоя қилмайди, гўзал хулқни ўз феъл-атворлари билан амалда кўрсатишлари керак.

Тарбиясиз ота-оналарнинг болалари эса, бунинг аксича, ҳар турли ярамас ишларга лаёқатли ва жамият учун фойдасиздирлар.

ОТА-ОНАГА ҲУРМАТ

Бир азизу мўътабар одам бир йигитнинг ота-онасига қилган хизматларини эшишиб, уни зиёрат қилмоқчи бўлди. Бу йигит қассоб эди. Мўътабар одам қассобчилик бозоридан у йигитни излаб топди. У билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин:

— Ўғлим, мен мусофири бир кишиман, агар қабул қилсангиз, бу кечани сизнинг уйингизда ўтказишни истайман, — деди. Йигит мўътабар одамнинг илтимосини жону дили билан қабул этди, кечкурун дўконини беркитиб, у билан бирга уйга қайтди.

Уйнинг бир чеккасидаги тўшакда қариликдан жуда кичкина бўлиб қолган бир чол ётарди. Йигит мўътабар меҳмонига жой кўрсатиб:

— Азиз меҳмоним, қани, bemalol ўтириб дам олинг, тўшакда ётган муҳтарам чол менинг отам бўладилар. Онам яқинда вафот этдилар. Отамга мендан бошқа қарайдиган киши йўқ. Ҳар кун азиз отамнинг хизматларини қилиб, кейин ишга кетаман, — деди. Йигит дарҳол шўрва пиширишга киришди. Овқат тайёр бўлгандан кейин бир косача-

да олиб, отасининг ёнига келди. Унинг бошини секингина кўтариб шўрва ичирди. Йигит чол отасини ухлатиб хотиржам бўлгандан кейин меҳмон учун дастурхон ёзди. Ўзига ҳам, меҳмонга ҳам шўрва келтириди, биргалашиб овқатландилар. Мўътабар меҳмон:

— Ўғлим, сен отангни тўйдириб, ювиб, тараб ўрнига ётқизганингдан кейин у оғзини қимирлатиб турди, шу билан у нима демоқчи эди? – деб сўради.

— Мен ҳар вақт отамни овқатлантирганимдан кейингина ўзим овқатланаман. Агар ундан аввал овқатлансан, ота хурматини бажо келтирмаган тарбиясиз, адабсиз ўғиллардан ҳисобланардим. Отам мендан жуда розидирлар. Таомдан кейин оғизларини қимирлатиб шукур этадилар ва менинг ҳақимга дуо қиласидилар. Мархума онам ҳам мендан рози эдилар, доимо ҳақимга дуо қиласидилар, – деди йигит.

Мўътабар одам йигитнинг сўзларини эшитгач, кўзларига ёш олиб: Баракалла, ўғлим! Сен ҳақиқий фарзанд экансан. Отаона хурматини унутган фарзандлар сендан

ибрат олсинлар. Офарин, ўғлим. Ота-онанг-
га қилган хизматингнинг хайрли ажрини
кўрасан, – деди ва йигит ҳақига дуо қилди.
Эртаси кун эрталаб йигит билан хайрлашиб
ўз йўлига кетди.

Азиз фарзандлар, ота-онангизни ҳурмат
қилишни асло эсингиздан чиқарманг. Ота-
онангизга қандай муомала қилмангиз, кел-
гусида ўз фарзандларингиздан шундай муо-
малани кўришингиз аниқдир:

Болалар! Ота-онани ҳурмат қилиш, улар
олдида адаб билан туриб, хизматларини
бажариш ҳаммамизнинг вазифамиздир.
Ота-оналарингизни ранжитадиган сўзлар
айтишдан, кўнгилларини қолдирадиган
ишлардан доимо сақланинг. Ақлли бола-
лар ота-оналарини ҳурмат қилиб, кучлари
етганича улар хизматида бўладилар, ёмон
сўз айтишдан, аччиқланиб қарашдан ўзла-
рини сақлайдилар. Ота-онага қандай хизмат
қилиш ҳақида сизларга кичик бир мисол кел-
тирамиз. Бир киши кечаси уйқудан уйғониб,
ўғлидан «Сув бер!» деб сўради. Ўғли сув
олиб келгунча, отаси яна ухлаб қолган эди.
Ўғли: «Отам балки яна уйғониб, сув сўрар»,

деб ухламасдан отасининг уйғонишини кутуб үтири.

Мана, болалар, адаблі, тарбияли бола шундай бўлади. Ота-оналарингизни иззатхурмат қилишга, уларнинг олқишиларини олишга ғайрат қилинг. Ҳар бир бола ота-онаси қилган насиҳатларни жон қулоғи билан эшишиб, улар ҳар вақт амал қилиши керак. Ота-онасига озор бериб, уларнинг диллари ни оғритадиган бола бахтли бўлмайди.

Байт:

Истасангким, етмасин сенга бало,
Ота-онага сира қилма жафо».

Ота-онага муҳаббатли қиз

Қадимги замонда ўғри, хиёнатчи кишиларнинг айблари исбот этилса, қўлларини кесар эдилар. Кунлардан бир кун бир шаҳар ҳокимининг хузурига ўғрилик билан айланган кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюрди. Халқ йиғилди. Ўғрини жазо майдонига келтирдилар, жаллод ҳозирланди. Шу вақтда бир кичик қиз ҳоким ёнига келди. Тиз чўкиб, йиғлаб айтди:

— Азиз ҳокимимиз, ножўя иш қилгани учун отамнинг қўлини кесишига буюрган-сиз. Биламан, ножўя иш учун жазо беришига ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта кичик фарзанди бор. Онамиз – касал, бизларни боқа олмайди. Агар отамизнинг қўлини кесдирсангиз, ҳаммамиз очдан ўла-миз, чунки бизнинг яшашимизга факат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кесдирманг, агар қўлини кесмасдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесдиринг.

Ҳоким бу кичик қизда ота-онага муҳаббат шу қадар кучли эканидан ҳайратда қолди. Яна уни синамоқ учун:

— Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кесдираман. Эртагача сенга муҳлат бераман. Яхшилаб ўйла, кейин пушаймон емагил, – деди.

Эртаси кун қизнинг отасини қўли боғлиқ ҳолда жазо майдонига келтирилар, қиз ҳам ҳозир бўлди.

Отасини кўргач, севиниб:

— Отажон, сира қўрқманг, мен ҳокимга «Отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни

кесдириңг», деб ялиндим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қиласидилар, – деб қўлини жаллодга узатди.

Қизнинг сўзларини эшитиб, ота-она га бўлган кучли муҳаббатини англаган ҳоким қаттиқ таъсирланди. Жазо майдонига йифилган халқ ҳам чидолмай кўз ёшларини тўкди.

Ҳоким дарҳол қизнинг отасини озод этди, қизни эркалаб, ардоқлаб кўп илтифотлар кўрсатди. Ота-бала қучоқлашиб севина-севина уйга қайтишди.

Ҳоким жазо майдонидаги бир мармар тош устига «Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай баҳтиёрдир» деган жумлани ёзишга амр этди.

Байт:

Ҳар одамнинг бўлса фарзанди шу қиздек
мехрибон,
Бахту иқбол у одамнинг ёри бўлгай бегумон!

Бир одобли боланинг қасамёди

Аҳмад исмли одобли бир бола мактабга кирад олдида ота-онасига қасамёд қилиб, шундай ваъда берди:

— Мен яна ҳам ғайратли, тиришқоқ бола бўлишга ваъда бераман. Мактабнинг тартиб қоидаларига бўйсуниб, ўқитувчиларим кўрсатган йўллардан юраман. Уларни хурматлайман, айтган сўзларини жону дилим билан қабул қиласман. Дарсларимдан аъло баҳо олишга ғайрат қиласман. Синфда тинч ўтириб, ўқитувчимнинг дарсига диққат билан қулоқ соламан, шўхлик қилиб, дарсни бузмайман, ўқитувчимни ранжитмайман. Синфдошларим ва бошқа синфлардаги болалар билан уришиб, талашиб, ғавғо, жанжал қилмайман. Улар билан дўстлашиб, ака-уқадек яшайман. Мактабнинг деворларига ҳар турли чизиқлар, суратлар чизиб булғатмайман. Дарслардан рухсатсиз бир кун ҳам қолмайман, дарсга кечикмай, ўз вақтида бораман, китоб ва дафтарларимни ифлос қилмайман.

Дарс тамом бўлгандан кейин, азиз ота-онажоним, сизларни хавотир олдирмай, тезгина уйга қайтиб, хизматларин-

гизни қиласман. Кўчада юрганда йўлларга қоғоз парчалари ва нон бурдаларини ташламайман. Ўзимдан катталарни ҳурмат қилиб, уларга салом бериб ўтаман. Куш, ҳайвонларга озор етказмайман, бироннинг мол ва нарсасига қўл узатмай, ўз молим каби сақлайман. Ватанимнинг чин хизматчиси бўлиб етишиш учун ваъда бериб, онт ичаман, азиз ота-онажоним!

Байт:

Барча ерда истасанг, ўтсин сўзинг,
Яхшилик бирла қуроллантир ўзинг.

ДОНИШМАНД ОТАЛАР НАСИҲАТИ

Қадим замонда Бағдод шаҳрида Абдулла исмли хайр-саҳоватли, марҳамат-шафқатли, адолатпарвар, мўътабар бир одам яшарди. Эҳтиёжини арз этиб, ёрдам сўраб келган одамни қуруқ қайтармасдан унга ёрдам қўлини чўзарди. Шунинг учун у халқ орасида иззат ва обрўга эга эди.

Абдулланинг уч ўғли ва уларга атаган икки ҳовли билан жуда ҳам гўзал бир боғи бор эди. Бир куни Абдулла ўғилларини ҳузурига чақиритириб:

— Ўғилларим, мен энди қарибим, анча ёшга кирдим, кўзим тириклигида боғ ва ҳовлини сизларга топширмоқчиман. Ўзаро келишиб, бирингиз боғни, иккинчингиз ҳовлиларни олинг, — деди. Ўғилларининг биттаси ҳам ҳовлига рози бўлмади, боғни ўзига талаб қилди. Абдулла бобо ўғилларининг келиша олмаганларини кўриб, бир оз ўйлаб турганидан кейин айтди:

— Ўғилларим, боғ ва ҳовлилар тўғрисида келиша олмаганингизни кўриб, шу фикрга келдим: ҳаммангиз саёҳат қилиб, ер юзи ни айланинг, қайси бирингиз менга энг

қимматбаҳо тош келтирсангиз боғни ўша ўғлимга бераман, эшилдингизми?

Уч ўғил энг қимматбаҳо тош келтириш умидида саёҳатга чиқиб кетдилар. Катта ўғил бир неча ой сарсон ва саргардон бўлиб юриб, бир араб қабиласи жойлашган ерга келди. У қабила бошлигининг тожида қимматбаҳо ёқутни кўриб қолди. Дарҳол бошлиқ билан танишиб, унга бир қанча нарсани совға тариқасида тақдим қилди. Кейин ўша ёқутни эсадлик учун беришини бошлиқдан илтимос қилди. Бошлиқ қабул қилиб, ёқутни унинг қўлига топширди. Шундай қилиб, катта ўғил севина-севина уйига қайтди.

Абдулла бобо катта ўғлининг келтирган ёқутини олиб текширгандан кейин айтди:

— Ўғлим, чиндан ҳам қимматбаҳо тош келтиргансан. Энди сабр қил, кўрайлик, укаларинг қандай қимматбаҳо тош келтирадилар. Ундан кейин боф масаласини ҳал қиласиз.

Ўртанча ўғил ҳам қимматбаҳо тош ахтариб, бир денгиз бўйига етиб келди. У ерда ғаввослар сувга шўнғиб, денгиздан

қимматбаҳо тошларни олиб чиқардилар. Ўртанча ўғил ҳамма воқеани айтиб, улардан ёрдам сўради. Ғаввосларнинг раҳми келиб, унга битта қимматбаҳо тош ҳадя қилдилар. Фақат бу тошнинг усти ғадир-бутир бўлиб қолгани учун уни тозалаш керак эди. Ўртанча ўғил ғаввосларга ташаккур айтиб, ўша ерга яқин бўлган шаҳарга қайтди. Дарҳол тош тозалайдиган устани топиб, унга шогирд бўлиб кирди. Бир неча ой хизмат қилиб, қўлидаги тошга сайқал берди. Кейин уйига қайтиб, тошни отасининг қўлига топшириди. Абдулла бобо ўртанча ўғил келтирган қимматбаҳо тошни олиб:

— Ўғлим, сен ҳам қимматбаҳо тош келтиргансан, сабр қил, у канг келсин, эҳтимол у ҳам қимматбаҳо тош келтирас. Ҳаммангизнинг келтирган тошларингизни текшириб, ким энг қимматбаҳо тош келтирган бўлса, боғни ўша ўғлимга бераман, — деб катта ўғилга айтган сўзларини такрорлади.

Кичик ўғил олти ой саргардон бўлиб юриб, ҳеч қаердан қимматбаҳо тош топа олмади, ниҳоят ноумид бўлиб уйга қайтишга мажбур бўлди. Уйига яқин қолган вақтда

жуда чарчагани учун дам олгани бир ҳовлининг эшиги ёнида ўтириди. Ҳовли ичидан йифи товуши эшитиларди. Кичик ўғил ҳайрон бўлиб, эшик тирқишидан ҳовлига қаради.

Ҳовли ўртасида бир сигир ўлиб ётарди. Уч ёш бола сигирни кучоқлаб йигларди. Буларнинг ота-онаси ҳам сигирга қараб кўз ёшларини тўкарди. Кичик ўғил буларнинг йигисига тоқатсизланиб, эшикни очиб ичкарига кирди, ҳовли эгаси билан кўришиб, йигининг сабабини сўради. У киши кўзларидан ёш тўкиб, ҳол-аҳволни баён қилишга киришди.

— Энг камбағал оиласиз, дунёликдан ҳеч нарсамиз йўқ, фақат битта сигиримиз бор эди. Унинг сутини сотиб кун кечирардик. Мана, сигиримиз ҳам ўлиб қолди, энди нима қилишимизни билмай йиглаб ўтирибмиз.

Кичик ўғил ҳам уларнинг ҳолига ачиниб, кўзидан ёш тўкди. Кейин болаларнинг юзкўзларидан ўпиб, ота-онасига тасалли берди. Уйига ҳам қайтмай, у кишини ўзи билан бирга олиб бозорга кетди. Бозордан ун, ёғ, гуруч, нон ва бошқа нарсаларни сотиб олиб,

унинг уйига келтирди. Яна уй эгаси билан бирга мол бозорига бориб, энг яхши ғовмиш сигир олиб берди.

Бечора дардманд оила аъзолари бу олижаноб йигитнинг қилган яхшиликларини кўриб, ўзларини тутолмай яна йигига киришдилар. Болалар йигитнинг пинжига кириб, ота унинг бир елкасига, она иккичи елкасига бошларини қўйиб кўзларидан ёшларини оқиздилар. Йигит болаларнинг юз-кўзларидан ўпиб, уларни эркалади, отонага тасалли бериб, ўз уйига қайтди.

Олижаноб, мурувватли йигит уйга кириб, ота-онаси ва акалари билан кўришди. Абдулла бобо ўғлининг елкаларида қуёш нури остида ялтираб турган кўз ёшларига дикқат килиб:

– Сен ҳам қимматбаҳо тош келтирдингми? Елкаларингда нима ялтираб турибди? – деб сўради. Ўғли қимматбаҳо тош келтира олмаганлигини, елкаларида ялтираб турган нарса бир бечора дардманднинг кўз ёшлари эканини айтиб, бутун воқеани бирма-бир баён қилди.

Абдулла бобо кичик ўғлининг сўзларини эшишиб, фарёд қилиб олижаноб ўғлига ўзи-

ни ташлади, уни қучоқлаб юз-кўзларидан ўпидайтди:

— Олижаноб, муруватли ўғлим, сен ҳақиқий ўғил эканингни билдиридинг. Эй, кўзимнинг нури, азиз ўғлим, сен у бечорага ёрдам этиб, инсоний вазифангни адо қилгансан. Инсонлар бир-бирларига биродар эканликларини, адолатпарвар бўлишлари лозимлигини шу ишларинг билан кўрсатгансан, мен сендан розиман. Менга бир бечора, нотавоннинг севинч кўз ёши мингларча қимматбаҳо тошлардан афзалдир. Белимнинг қуввати, севгили ўғлим, боғимни сенга бердим, бу бокқа эга бўлишга фақат сен ҳақлисан.

* * *

Эй фарзанд, жаҳд¹ қилиб ҳаргиз ҳеч кишини ўзингга душман тутмағил. Аммо бир киши ногоҳ сенга душман бўлса, асло кўрқмағил, лекин унинг ошкор ва ниҳон ишларидан ғофил бўлмағил ва ҳамиша унинг тадбирида бўлғил. Ҳар вақт унинг ҳийласидан хабардор бўлғил. Ҳамиша душманнинг ҳолин ва фикр-хаёлин билмакнинг

² Жаҳд – астойдил ҳаракат қилиш

ҳаракатида бўлғил, то бир бало ва оғатга гирифтор бўлмағайсан. Ишинг ривож топмаса, кувватинг бўлмаса, душманга душманлик кўргузмагил. Ўзингни душманга улуғ кўргузгил агарчи ожиз бўлсанг, ғайрат қил, ўзингни ожиз кўргузмагил.

Душманнинг хуш сўзига кўнгил қўймағил. Агар душман ҳар қанча яхшилик кўргузса, ундин бегумон бўлмағил. Кувватлик душмандин ҳамиша хушёр ва эҳтиёт бўлғилки, дебдурлар, икки кишидан кўрқомок керакдур: бири қавий¹ душман ва бири гаддор² дўст.

* * *

Бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, ўзингга ва халқقا фойдали ишлар қилишга ғайрат қил. Олим, фозил, ахлоқли, тарбияли одамлар билан суҳбатдош бўл, уларнинг суҳбатларидан баҳра ол. Ёлғончи, нодон, баҳил, гинажўй ва иккюзламачи одамларнинг суҳбатларидан парҳез қил. Ҳар ким ёлғончи бўлса, мурувват ва

¹ Қавий – кучли, кувватли.

² Гаддор – алдамчи, бераҳм, золим.

тантлиикдан ҳоли бўлади. Шунинг учун тўғрилик ва тўғри сўзлик фазилатларнинг онаси, ёлғончилик эса ярамасликларнинг онаси деганлар.

Нодон дўст фойда етказаман деб, зиён еткизиб қўяди. Бахил одамдан бирор нарса сўраб, обрўйингни тўкма. Кўнглида гина сақлаган одам фурсат топганида, сени зое қиласди. Иккиюзлама, фосиқ киши ўз манфаати йўлида сени қурбон қилиб юборишдан тоймайди.

Байт:

Эгрига ҳар ким ҳамдамдир – куяр,
Ситам қилсанг, бўлур олдингда албатта.

Уч ўғил

Қадим замонда мўътабар бир одамнинг уч ўғли бор эди: бу одамнинг кичик ўғли ота-онасининг измидан чиқмас, уларни иззат ҳурмат қиласди, ахлоқли, тарбияли ўғил эди. Иккита катта ўғил эса ёмонларга қўшилиб, маъносиз юрадилар. Ота-оналарини доимо ранжитардилар, насиҳатларига қулоқ солмасдилар. Бир кун бечора она қаттиқ қасалга чалиниб вафот қилди. Орадан кўп вақт

ўтмади, ота ҳам оғир касалликка учради. У ўзининг вафоти яқин эканлигини сезиб, уч ўғлини хузурига чақириб айтди:

— Ўғилларим, вафотим яқинлашиб қолганга ўхшайди, мендан кейин фақат учовингиздан биттангизгина меросхўр бўла оласиз. Шаҳар қозиси ва улуғлари қайси бирингизга ҳукм қилса ўша ворис бўлади. Улар менинг кўнглимдагини топиб ҳукм қиладилар, деб ўйлайман.

Бир неча кундан кейин у мўътабар одам вафот қилди. Уч ўғил отадан қолган меросни талашиб, қози хузурига келдилар, отанинг айтган сўзини унга билдирилар. Қози бу масалани ҳал қилишдан ожиз бўлиб:

— Мен бу масалани ҳал қила олмайман. Отангиз қайси бирингизга меросхўр бўлингизни очик айтмаган, «учовингиздан бирингиз меросхўр бўласиз», деб қўя қолган, холос. Шу шаҳарда фозил, донишманд одам бор. Унинг хузурига бориб, отангизнинг васиятини айтинг. Бу масалани донишманд ҳал эта олади, деб ўйлайман. У қандай ҳукм қилса, мен ҳам тасдиқлайман, – деб уларни донишманд хузурига юборди.

Үғиллар донишмандни излаб топиб, воқеани унга баён қилдилар. Донишманд ғазабланган бўлиб:

– Шу хилда ҳам мужмал васият бўладими? Боринглар, шундай тутуруқсиз васият қилган отангизнинг қабрини бузиб, ер билан яксон қилиб, сўнгра хузуримга келинглар. Келганигиздан кейин тўғри, ҳаққоний ҳукм эшитасиз,— деди.

Эртаси куни икки катта ўғил кетмон, бел кўтариб, кичик ўғил қўлига қилич олиб, оталининг қабрй ёнига келдилар, икки катта ўғил ота қабрини бузишга ҳаракат қилган эдилар, кичик ўғил қилич кўтариб, уларга:

– Қандай одобсиз, тарбиясиз, виждонсиз ўғил экансизлар. Мол-дунё учун отангизнинг қабрини бузишни истайсиз, уятсизлар, мен бундай ифлос ишингизга йўл кўймайман, қани, қабрга бир кетмон уриб кўринг-чи, иккингизни ҳам ўлдираман. Мен меросдан кечдим, мерос сизларга бўла қолсин. Ота-онамиз ҳаёт вақтларида уларни хурмат қилмадингиз, муборак дилларини оғритдингиз. Энди қабрда ҳам тинч ётгани кўймайсиз, э, номуссиз акалар! — деди. Кат-

та ўғиллар укаларидан күркіб, қабрни бузишга ботина олмадилар.

Кейин уч ўғил донишманд олдига қайтиб келдилар. Катта ўғиллар донишмандга:

— Укамиз сизнинг буйруғингизни баҗаришга йўл қўймади. Отамиз қабрини бузмөқчи эдик, қилич кўтариб бизни ўлдирмоқчи бўлди, – деб шикоят қилдилар. Кичик ўғил ҳам нима учун ота қабрини бузишга йўл қўймаганлигининг сабабини айтди. Кейин донишманд катта ўғилларига хитоб қилиб:

— Отангиз сизлардан қайси бирингиз меросхўр бўлишга ҳақли эканини очиқ айтмай, бу масалани ҳал этишни бизга нима учун ҳавола қилганлиги англашилди. Сизларни синаш учун отангиз қабрини бузишга буюрдим. Сиз икки ноқобил фарзанд шу жирканч ишга рози бўлдингиз, укангиз эса қабул қилмай, ҳатто сизларни ҳам бу ифлос ишдан қайтарган. Энди инсоф қилиб айтинг, ҳақиқий меросхўр сизларми ёки уми? – деди ва кичик ўғилнинг пешонасини силаб: “Офарин ўғлим, отангнинг чин фарзанди сен экансан, ота меросига фақат сен эга бўласан, бу

икки ярамас аканг бундан маҳрум қилинади.
Менинг ҳукмим – шу, – деди.

Эртаси кун қози уч ўғилни чақиртириди.
Донишманднинг фикрини тақдиклаб, ота-
нинг молу дунёсини кичик ўғилга ҳукм
қилди. Нокобил икки катта ўғил шарманда
бўлиб қолдилар.

Улуғ бир мутафаккир зот ўз ўғлига ёзган
хатида баҳт, саодат ва ҳаёт ҳақида шундай
дейди:

– Азиз ўғлим, дунёда одам енга олмаган
нарса бўлмайди, шунинг учун асло қўрқма,
ўзингга берилган қувват ва ғайратингни
сарф қилиб, олға интил. Баҳт ва саодат
осмондан тушади ёки кутилмаган ҳолда
қўққисдан вужуддан чиқади, деб ўйлама.
Шу ўйга борсанг, дунёнинг нодон одамла-
ридан бири ҳисобланасан. Сўзимға диққат
билан қулоқ сол, баҳтим йўқ, деб зорланув-
чилар қаторидан жой олма, ғайрат қилсанг,
муродинг ҳосил бўлади. Инсон ўз саодат
ёзмишини ўзи вужудға чиқаради. Ўзингни
тубан даражага туширма. Эҳтимол, баъ-
зи ишларинг тилагингча муваффақиятли
бўлиб чиқмаслиги мумкин, лекин сен бун-

га қайғуланиб, ноумид бўлма, гайрат ва жасоратингдан ажралма. Зоҳирдан оғир, мاشаққатли бўлиб кўринган нарсадан ҳакиқатда кўп муҳим ва хайр натижа ҳосил бўлиши мумкин.

Аҳамиятсиз нарсаларга, моддий безакларға кўп алданма, тараққий этишға, фазл камол эгаси бўлишга интил. Кўзингни оч, атрофга қара. Замоннинг улуг олим, фозилларининг таржимаи ҳолларини, умуман, инсонларнинг қадимги ва янги тарихини диққат билан кўздан кечир. Булар сени завқ-шавқ, фазл, камол ҳосил этишга йўналтирадилар, ҳайтий йўлингдаги ҳакиқий раҳбаринг бўладилар.

* * *

Севикли ўғлим!

Виждонинг лавҳасини инсоф, адолат гавҳари билан безат, чунки инсоф, адолат инсоният оламининг порлоқ қуёшидир. Бу қуёшдан файз олган одамлар баҳтиёрдирлар.

Белимнинг қуввати, ўғлим!

Қалбинг ойнасини ёшлиқ ғуури билан хоинлик, ғаразлик каби бехуда бемаъниликт

лар чанг-ғубори билан хира қилма. Агар шундай бемаъниликларни қылсанг, инсоний вазифангни суиистеъмол қылган бўласан ва жамият қошида масъулдирсан.

Кўзимнинг нури!

Давлат ва халқ қошида иззатли ва обрўли бўлишни истасанг, жамият томонидан сенга берилган вазифани чин ихлос билан бажар, вазифашунос бўл. Вазифасини танимаган, адо қилмаган одамлар шарманда, шармисор ва нафратга сазовордирлар.

Кўзимнинг қорачиги!

Сенга жонидан ҳам ортиқ муҳаббати бўлган отангнинг ризоси ва қалбининг хуш бўлиши сенинг зулм, жабр ва адолатсизликдан сақланишинг билан ҳосил бўлади. Англа, ўғлим, жабр, зулм, адолатсизлик яшинга ўхшаш бўлиб, тушган жойларини янгидан таъмир қилиш мумкин бўлмаган даражада ёқиб, ёндириб, паришон қиласидилар. Сенинг зотингда бўлган поклик, олижаноблик ўт-кир заҳарли, ярамас ҳисларга йўл қўймайди, деб ишонаман. Доимо адолатли, мулоим, тавозели, шафқатли бўл.

Ҳаётим сармояси!

Шу кунларда ўз тенгдошларинг билан уришиб, баъзи вақтда, ҳатто ёқалашганингни эшитиб, кўнглим паришон бўлди. Биламан, сен арслон каби куч-кувватга эга бўлган йигитсан. Қаҳрамонлик факат куч-кувватни истеъмол қилишда эмас, қаҳру-ғазабни ютишдадир. Жон ўғлим, қаҳру ғазабли бўлма. Мулойим, шафқатли ва марҳаматли бўл. Гўзал хислатларинг билангина ҳаммани ўзингга ром қиласан, сенга озор берганларни хушмуомаланг билан уялтирасан.

Сенга узоқ умр, баҳт-саодат тилаб, сўзимни тамом қиласан, азиз ўғлим».

Эй фарзанд, билғилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил, билғилки, улар сенинг учун ўлимға ҳам тайёр турадирлар.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адo қилмоқдин ҳоли бўлмағусидур. Отa-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда

ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмагил.

БҮЮК АЛЛОМАЛАР МАСЛАҲАТИ, НАСИҲАТИ, ҲИҚМАТИ

Алишер Навоий айтади:

– Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин, тўғри сўзни айта оладиган тилни ёлғонга булғама, ёлғончи – киши эмас, ёлғон сўзлаш – эр йигитлар иши эмас, ёлғон сўз кишини бе-эътибор қиласи. Тилингни ўз ихтиёргина асрагил, сўзингни эҳтиёт билан дегил. Ўз маҳалида айтиладиган сўзни айт, асрама, номаҳал сўз айтиш теварагига йўллама. Сўз борки, айтувчининг танига жон киргазади, сўз борки, айтгувчининг бошига етади. Тилинг билан кўнглингни бир тут. Сўзни кўнглингда пиширмагунча тилга келтирма. Айтиш мумкин бўлган сўзни айт, мумкин бўлмаганидан қайт. Ақлли одам чин тўғри сўздан қайтмайди, аммо ҳамма чин сўзни ҳам айтиш ақлли кишининг иши эмас.

Хирадманд чин сўздан ўзга демас,
Вале барча чин ҳам дегулик эмас.

Шайх Саъдий айтади:

– Сен ўз отангга нисбатан нима яхшилик қилидинг, шундай яхшиликни ўғлингдан ку-

тасан, яъни отангга қандай муомала қилган бўлсанг, кейин ўғлинг ҳам сенга шундай муомалада бўлади.

Шайх Саъдийнинг фикрларини ёқловчи ва қувватловчи бир ҳикоят:

– Бир йигит тепалик жойда қўлига калтак олиб, ўз отасини урап эди. Буни кўрган халқ ғазабланиб, йигитни урмоқчи бўлди. Калтак еб турган ота фарёд қилиб халқقا:

– Ўғлимга тегманг, у ўз отасини уришга ҳақли, чунки мен мана шу жойда ўз отамни калтаклаган эдим, энди мени ўз ўғлим калтаклаяпти, – деди.

Байт:

Ота-она ҳурматин ҳар кимса келтирса бажо,
Бахту иқбол ул одамнинг ёри бўлгай доимо.

Буюк маърифат эгалари бола тарбиясида ота-оналарни биринчи мураббийлар деб атаб, уларни ўз гўзал фазилатлари билан фарзандларига ибрат бўлишга даъват этдилар. Шарқ мутафаккирлари маълумотли, гўзал тарбияли, инсофли ота-оналарнинг болалари гўзал хулқли, ғайратли, тўғри фикрли, соғ-саломат баданли, олий табиатли ва ҳар

хил хайрли ишларга лаёқатли бўлишларини таъкидлашади.

Гўзал тарбия инсонга шон-шараф бағишлайди, тарбиясиз инсон шараф ва камолотдан маҳрумдир. Фарзандларини астайдил тарбиялаб, уларни жамиятнинг фойдали аъзолари қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг муқаддас вазифасидир.

Алишер Навоий айтади:

Инсонга эрур камол матлуб,
Андин дағи дарду ҳол матлуб.

Машхур олим ва фозил Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

– Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, яна ҳам яхшироқдир. Ақлли, доно одам ҳаммани кўриб билади. Яхшиларнинг фикрларини, кўрсатмаларини жонудил билан қабул киласди. Шунга кўра, унинг қилган ишлари бекорга кетмайди, яхши натижалар ҳосил этади. У одам мурод-мақсадига ноил бўлади.

Донишманд кишининг ёнига бир йигит келиб:

— Шу кунгача бузук ишлар кетидан елиб-югурдим. Энди шу ярамас ишларимдан тавба қилмоқчи бўлиб, сизнинг ҳузурингизга келдим. Мени шогирдликка қабул қилинг, тарбиянгиз соясида яхшилар сафида бўламан деб умид қиласман, — деди.

Донишманд айтди: — Сенинг кўнглинг бир ҳовузга ўхшайди, бешта ариқдан ифлосланган лойқа сувлар оқиб келиб, кўнглинг ҳовузини булғатиб турадилар. Агар бу ариқларнинг йўлларини тозалаб, ифлосланган сувларни киргизмасанг, у вақтдагина сени шогирдликка қабул қилиб, тарбиялайман. Ариқлар тозаланмаса, минг марта тавба қилсанг ҳам фойда бермайди.

Йигит: «У ариқлар қайси?» деб сўради.

Донишманд айтди:

— Бир ариқ — кўзинг йўли. Аёлларга фаҳш, хиёнат назари билан бокма. Бир ариқ — оғзинг йўли. Оғзингдан адаб, тарбияга тескари бўлган сўзларни чиқарма, ҳаром ва шубҳали нарсаларни ема, ичкилик ичма. Бир ариқ — қўллар йўли. Кишиларнинг молу мулк, жихозларини ўғирлаб олма, бирорни уриб, жабру жафо етказишдан сақлан. Бир

арик – оёқларинг йўли. Ўғирликка юрма.
Яна бир ариқ – қулоқларинг йўли, гийбат,
иғво, фасодга оид сўзларга қулоқ солма,
адаб-тарбияга тескари бўлган сўзларни эши-
тишдан қоч.

Йигит бешта ариқ йўлларини тозалаб,
кўнгил ҳовузини пок, мусаффо сувлар би-
лан тўлдиришга ваъда берди. Шундан кейин
денишманд йигитни шогирдликка қабул
килди:

Лутфу карамни сира кам қилмагил,
Ҳеч кишига жабру ситам ўткармагил.
Айлагил элнинг ғазабидан ҳазар,
Солма кишининг ҳарамига назар.

* * *

Олимлардан Сайид Али Ҳамадоний айтади:

– Фалокатга дучор бўлишни истама-санг, мағур ҳа мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашини истасанг, дилингни ҳирсдан пок қил. Хор-зорликни истамасанг, тамагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг, яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб дил. Қадр-қимматинг ошишини истасанг, баланд ҳимматли бўл,

ишинг пушаймонлик билан натижаланиши-
ни истамасанг, аввал яхшироқ ўйлаб, доно
тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнгра иш-
га кириш. Ўзингни ҳаммага севдиришни
истасанг, феъл-авторингни тузат, адабли,
тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга
бўлишни хоҳласанг, ҳалол меҳнат қил, фидо-
корона ишла. Ҳамманинг қошида ишончли,
марғуб ва мақбул одам бўлишни тиласанг,
ёлғончиликдан сақлан, чақимчи, ифвогар
бўлма, маъносиз, тутуриқсиз сўзларни сўз-
лаб юришдан ҳазар қил. Мабодо ўн-
ғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда муваффақиятсизликка учраб, қайғу, ҳасрат ичида
қолсанг, дод-фарёд қилиб юрма, сабр қил.
Ўнғайсиз ҳолдан кутулиш чорасини кўр.

* * *

Луқмони ҳакимдан:

- Сиз бироннинг қора баданли чўпони
эдингиз, энди улуғ даражага эга бўлдингиз,
нима сизни шундай улуғ даражага кўтарди? – деб сўрадилар. Луқмони ҳаким айтди:
 - Доимо тўғри сўзладим, омонатга хиё-
нат қилмадим, маъносиз, бехуда сўзлар сўз-

лашдан чекиндим. Мана шу уч хислат мени улуғ даражага кўтарди.

* * *

Машҳур олим Сайд Али Ҳамадоний айтади:

— Халққа маҳбуб ва марғуб бўлишни истасак, одобли бўлайлик, тўғри сўзлайлик, тўғри ишлайлик. Мағрур, мутакаббир, ёлғончи бўлмайлик ва шунга ўхшаш ярамас иллатлардан пок бўлайлик.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Гўзал хулқ-атворга эга бўлган ва сухбат одобларига риоя қилган одам ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этади, каерга борса, иззат ва ҳурматда бўлади.

* * *

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср Форобий

* * *

Ёмонлик – бутун нуқсонлар мажмуидир.

Хусайн Воиз Кошифий

* * *

Нодондан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндошма, босмасин ғафлат.

Абулқосим Фирдавсий

* * *

Эй, энг яхши одам ким, деб сўраган,
Айтайин, ким бўлур энг яхши одам.
Энг яхши одам шу – кимдан халқига
Қандайдир наф тегар ҳар куну ҳар дам.

Абдураҳмон Жомий

* * *

Халққа юз ўтиргил ё уни ўйла доимо,
Бу томоша оламда ўзингга қўйма бино.

Абдуқодир Бедил

* * *

Бирга бўлса шодликда – ғамда,
Фақат шуни дўст тут оламда.

Хусрав Дехлавий

* * *

Яхшилик ва сулҳга интилар доно,
Жаҳолат, жанжалга интилар нодон.

Абу Абдулло Рӯдакий

* * *

Яхши бўлсанг агар, қолади номинг,
Кўлга кирар бахту истагу каминг.
Ёмонлик ўрасан эксанг ёмонлик
Бирор кун кўрмайсан шодлик, омонлик.

Абулқосим Фирдавсий

* * *

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,
Энг бахтли одам шу, хулласи калом.

Хусрав Дехлавий

* * *

Ёлғончига кўргазмагил каромат,
Ундан узокроқ бўл, соғу саломат.

Носир Хусрав

* * *

Ҳаё одамийлик аслидир, асли,
Шундан одам бўлур ҳар одам насли.

Носир Хусрав

* * *

Киришмоқчи эсанг ҳар қандай ишга,
Охирин ўйлаб кўр, қолма ташвишга.

Носир Хусрав

* * *

Фитна оташин шундай ёқибсан,
Қоп-қора юз билан элга боқибсан.

Абумансур Дақиқий

* * *

Заҳарли илонни қилсанг тарбият,
Бир куни жаҳлида урар заҳар ниш.
Нокасда шубҳасиз илон таъби бор,
Нокасни юзини кўрмасга тириш.

Абу Абдулло Рӯдакий

* * * -

Донишманд сўзлари эсимда ҳамон:
«Заиф ёвни писанд қилмаслик ёмон!»

Абулқосим Фирдавсий

* * *

Болани ақлли, мулоҳазали қилмоқ учун,
уни бақувват ва соғлом ўстиринг: майли
у ишласин, тинмасин, югуриб-елсин, ба-
қириб-чақирсин, ишқилиб доимий ҳаракат-
да бўлсин.

Ж.Ж.Руссо

* * *

Насиҳатгўйлик билан яхшиликка эришиш қийин, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон.

Сенека

* * *

Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса, ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичидаги эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ.

И.Новиков

* * *

Ўрнак кўрсатиш ваъз-насиҳатга қарагандай ҳар доим кучлироқ таъсир этади.

С.Жонсон

* * *

Болалар гўзаллик, ўйин, эртак, мусиқа, расм, хаёл, ижодиёт оламида яшамоқлари керак.

В.А.Сухомлинский

Ҳикматлар

Фазилат фарзанд кабидир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим.

* * *

Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни қўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган хушёрлик.

* * *

Фарзанд, олган тарбиясига қараб, ота-онасига роҳат ёки ташвиш келтиради.

* * *

Ота-онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат талаб қилиши ножоиздир.

* * *

Ҳаё қалбнинг ҳақиқий кўзгусидир.

* * *

Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиймати ҳам баланд бўлади.

* * *

Илтижо билан ёрдам сўровчининг ҳимоячиси бўлишдан яхшироқ яхшилик йўқ.

* * *

Одамнинг энг бахтли вақти – бошқаларга эзгулик қилган онларидир.

* * *

Ўзингиздан олдин келган одамлардан ибрат олинг, кейин келганларга ибрат бўлинг. Байт:

Яхшиларнинг суҳбатин қилғил талаб,
Боадаб бўл, боадаб бўл, боадаб.

* * *

Адаб ақлнинг ташқи суратидир.

* * *

Мехнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрdir.

* * *

Виждон -- яхшиликни ёмонлиқдан ажратадиган, яхшиликка йўналтирадиган кучкуватдир.

* * *

Бу дунёда ҳар бир нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ҳам ўзгармайди.

* * *

Инсоннинг энг зўр ёрдамчиси ўзининг ақлидир.

* * *

Хаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбай содаликдир.

* * *

Суқрот ҳаким айтади:

— Такаббурлик ва зулм — улуғликнинг офати, ҳилм (мулойимлик) ва тавозе — инсоннинг зийнати, шарм-ҳаё унинг энг гўзал, ёқимли либосидир.

* * *

Эзгу хулқ дўстликни, ёмон хулқ душманликни келтиради.

* * *

Ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди.

* * *

Адаб — ақл ва иймоннинг чироғи, обрў-эътибор сармоясидир.

ЁВУЗЛИК ЖАЗОЛАНАДИ

Раққа номли шаҳарда одоб-ахлоқ, гўзал одатлари билан халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилган бир дарвеш яшарди. Ҳар кимда маърифат нури ҳосил бўлса, у киши жон муниси ва дил роҳатидир. Шунинг учун халқ уни дўст тутиб, «Донодил» деб атарди.

Бир куни Донодил узоқ бир ерга йўлдошсиз, беҳамроҳ сафарга чиқди. Донодилда кўп пул бор, деб гумон қилиб, йўлда ўғрилар унга хужум қилдилар. Донодил ўғриларга ўз ҳолини баён қилиб деди:

— Менда ҳеч қандай мол-дунё йўқ, фақат йўлга керак бўлган озгина озиқ-овқат бор. Агар муддаонгиз шулар билан ҳосил бўлса, олинг, мен буларни сиздан аямайман.

Ўғрилар Донодилнинг сўзига илтифот қилмай, уни ўлдириш учун қилич суғурдилар. Бечора Донодил ҳайратда қолиб, ҳар томонга боқарди. Ваҳшатли биёбонда ва ҳайбатли саҳрода унга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ эди. Шу чоқда осмонни тўлдириб, бир гала турналар учиб ўтиб қолдилар.

Донодил турналарга хитоб қилди:

— Эй турналар, бу биёбонда ситамкорлар қўлида гирифторман, ҳеч ким менинг

ҳолимдан хабардор эмас, булардан интиқомимни олинг, қонимни талаб қилинг, – деди.

Ўғрилар Донодилнинг сўзидан кулиб, унинг отини сўрадилар. Донодил отини айтди. Ўғрилар : «Сенинг дилинг ҳеч нарсадан хабардор эмас, беақл экансан, беақлни ўлдириш мумкин», – дедилар. Донодил уларга:

– Мен мукофот саҳифасидан бир нуқта баён қилмоқчиман, ёмон иш қилган кишининг бир кун жазоланишини айтмоқчиман. Лекин ҳақ сўзни эшитишдан кар, тўғриликни кўришдан кўр, тўғри ҳарфни сўзлашдан соқов бўлганлар бу маънидан бехабардирлар.

Бечора Доңодилнинг сўзларига илтифот қилмай, уни ўлдирдилар. Бу даҳшатли хабар шаҳар аҳолисига етди, ҳамма афсусланди. Орадан бир неча вақт ўтди. Бир байрам куни халк сайилгоҳга йигилди. Ўғрилар ҳам келиб бир чеккада, халқ орасида ўтирган эдилар. Шу пайтда бир тўда турналар осмонда пайдо бўлдилар, ўғрилар тепасига келиб ғавғо кўтардилар, ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Ўғрилардан бири кулиб, ўз шеригига: «Бу турналар Доңодил қонини истаётган

бўлсалар керак», – деди. Унинг бу сўзини орқада ўтирган бир одам эшитиб қолди. У киши ўгрининг бу сўзини бошқа бир кишига айтди. Дарҳол ҳокимга хабар бердилар. Ўғрилар ушланди. Улар тафтиш-қийноқдан айбларига иқрор бўлдилар. Ҳоким уларни дорга остирди.

Муносиб жазо

Искандар Зулқарнайн Эронга хужум қилиб, Ҳамадон шахрини қамал олди. Сўнгра. Эрон шоҳи Дородан хирож талаб қилди. Доро унинг талабини қабул қилмади. Шунга кўра, Искандар у билан жанг қилишни давом эттирди. Аммо ҳар қанча ғайрат сарф қилса ҳам, Доро устидан ғалаба қозона олмади. Нихоят, макр-хийла ишлатиб, уни енгмоқчи бўлди.

Доронинг иккита энг яқин, ишончли қули бор эди. Доро буларни тарбиялаб, ўзига вазир қилиб олганди. Искандар яширинча киши юбориб, уларни ҳузурига даъват қилди. Вазирлар даъватни жону дили билан қабул қилиб, кечаси ҳеч кимга сездирмай, Искандар ҳузурига келдилар. Искандар

уларни ҳурматлаб қарши олди. Сўнгра ўз муддаосини баён қилди:

— Агар орзуимнинг рўёбга чиқишига ёрдам берсангиз, қилган хизматларингиз учун сизларга энг юқори ўринни ҳадя қиласман, — деди.

Вазирлар Искандарнинг орзусини рўёбга чиқаришга, қандай хизмат буюрсалар, жону дил билан адо қилишга сўз бердилар. Искандар уларга Дорони ўлдиришни буюрди. Хоин вазирлар эртасига унинг буйруғини бажо келтириб, Искандарнинг ҳузурига келдилар. Искандар Дорони дафн қилишга ва икки баланд дор тайёрлаб, ҳар икки хоин вазирни осишга буюрди.

Искандардан зўр мукофот, энг юқори ўрин, мансаб кутиб турган хиёнатчилар Искандарнинг буйруғидан шошиб қолдилар.

Буйруғингизни бажо келтирсак, бизга энг юқори ўрин беришга ваъда қилган эдингиз, ҳамма иш истаганингизча бўлди. Лекин сиз ваъдангизга вафо ўрнига бизни ўлимга буюраяпсиз, бу ишингиз инсофданми? — деб эътироz билдирилар. Искандар уларга:

— Мен инсофсизлик қилмадим, ўзимга инсоф —adolatни раҳбар қилиб иш

қилмоқчиман. Түгри, сизларга энг юқори ўрин беришни ваъда қилдим. Мана энди шу ваъдага вафо қиласман. Доро сизларни тарбия қилиб етиштирди, ниҳоят ўзига вазир қилиб олди, аммо сизлар унинг қилган яхшиликлари эвазига ёмонлик қилдингиз. Ўз тарбия-чисига хиёнат қилган кўрнамак хоинлар, албатта менга ҳам вафо қиласликларини яхши биласман. Туз ҳақини сақламай, хиёнат кўчасига қадам қўйганларга мана шундай мукофот берилади. Менинг қўшинимда дордан юқори ўрин йўқ, марҳамат, энди ўз ўрнингизни эгалланг, – деб жавоб берди.

Очкўзлик – ёвузлик

Уч ака-ука сафар қилдилар. Чўл-биёблардан ўтиб бўарар эканлар, йўлда бир кўзани топиб олдилар. Кўзанинг ичи олтин билан тўла эди. Кутилмаганда кўлга кирган бу бойлик ака-укаларни чексиз хурсанд қилди. Бу хазинани учга баробар тақсим қилайлик, ҳар ким ўз ҳиссасига рози бўлсин, деб бир қарорга келдилар.

Олтинларни тақсим қилишдан олдин, овқатланиб, бир оз дам олмоқчи бўлишди.

Буларнинг кенжаси овқат келтириш учун ўша ерга яқин қишлоққа қараб кетди. Овқат кутиб ўтирган акаларининг нияти бузилди. Катта ака укасига деди:

— Кенжамизни нега олтинга шерик қиласиз, уни ўлдириб, олтинларни ўзимиз тақсим қилиб олсак, бўлмайдими?

Укаси унинг сўзини маъқуллади. Кенжаси ука келиши билан уни ўлдиришга қарор қилдилар.

Овқат келтиришга кетган кичик уканинг ҳам нияти бузилди. У ҳам икки акасини ўлдириб, ҳамма олтинни ўзига қолдирмоқчи бўлди. Шу мақсадда у овқатга заҳар аралаштирди, уни кутиб турган акаларининг ҳузурига келтириб қўйди.

Акалари дарҳол уни йиқитиб, бошини танасидан жудо қилдилар. Кичик укани ўлдириб, хотиржам бўлғанларидан кейин ўтириб, овқатни яхши иштача билан едилар! Кўп вақт ўтмади, ўткир заҳар ўз таъсирини кўрсатди, ҳар иккиси икки тарафга чўзилиб, жон берди.

Шундай килиб, очқўзлик, дунёга ҳирс боғлаш уч ака-укани ҳалокатга етказди.

Ғазаб алангаси

Қадим замонда бир золим, дилозор савдогар бой бор эди. Камбағал бечораларга жабр-зулм кўрсатиб, уларнинг бозорга келтирган ўтинларини арзимаган нархга сотиб олар ва қиммат баҳода пулларди. Камбағал бечоралар бу ўтин савдогарининг дастидан кўп озор чекдилар, етказган жабр-жафосидан жуда танг бўлдилар.

Бир кун золим савдогар бир бечора дарвеш одамнинг ўтинини зўрлик билан тортиб олди. Унга ярим баҳода пул тўлади. Дарвешнинг кўнгли озор топди, лекин нима илож қилсин? Бойни қарғаб-қарғаб кетишга мажбур бўлди. Бу воқеани кўриб турган бир фозил киши бойга:

— Сен камбағал бечораларга жабру жафо қилма, ғариб кўнгилларини вайрон этма, етимларнинг кўзларидан қонли ёш оқизма, бу ярамас ишингдан қайт,— деб ҳар қанча насиҳат қилса ҳам бой қабул қилмади. Бу воқеадан кўп вақт ўтмай, бир кечаси бойнинг ўтинхонасига ўт тушди. Ўтинхона, уйи ва ундаги асбоблар тамом куйиб битди. Эртаси куни эрталаб бой ўз яқинларига:

— Ўтинхона ва уйимга бу ўт қаердан тушганини била олмай ҳайронман,— деб сўзлаб ўтирган эди, бойга насиҳат қилган фозил булар ёнига келиб қолди.

— Ҳайрон бўлма, сенинг жабру зулмингдан танг ҳолга келган бечора камбағалларнинг сийналаридан чиққан ўт сенинг ўтинхонанг ва уй-жойингни куйдириб барбод қилди— деб жавоб берди:

Дилозорлик натижаси

Бир сичқон ўрмонзорда аррага ўхшаган тишлари билан бир дарахтнинг илдизларини кемирар эди. Дарахт эса унга ёлворарди:

— Эй, дилозор, нима учун менга озор берасан, жабр тифи билан уриб, нега мени ҳаётдан маҳрум қилмоқчи бўласан? Дилозорлигинг жазосини кўрмасдан иложинг йўқ, қўй, менга жабру ситам қилма!

Сичқон дарахтнинг ноласига илтифот қилмай, ишида давом этарди, шу чоқда бир илон келиб, сичқонга ҳужум қилди, бирпасда уни ютиб юборди. Илон сичқонни еб бўлиб, дарахт соясида ҳалқа бўлиб ётган эди, бир типратикан пайдо бўлди, илоннинг ду-

мидан тишлиб ўз бошини ичига олди. Илон ўзини ура-ура унинг тиканидан ярадор бўлиб ўлди. Типратикан илонни еб тўйиб, думдумалоқ бўлиб юмаланиб ётди. Шу вақт бир тулки келиб қолди. Хийла ишлатиб, типратиканни ўлдирди. Унинг гўштини иштаха билан емоққа киришди. Ҳали еб битиргани йўқ эди, бўридек катта бир ит қаердандир пайдо бўлиб тулкига қараб югурди, уни ўлдириб еб, очлик ўтига таскин берди ва дарахт тагида дам олиб ётди.

Шу вақт бир йўлбарс келиб қолди, ит хабардор бўлиб, қочиб қолишга улгурмай, унинг қорнини ёрди, хотиржамлик билан гўштини еди. Қарангки, бир сайёҳ ўқ-ёй билан пайдо бўлиб қолди, йўлбарсни отиб, ҳолдан кетказди. Йўлбарс ҳали жон бергунча йўқ эди, бир отлик одам отини югуртириб етиб келди. Йўлбарснинг терисига таъма қилиб, отдан тушди. Йўлбарсни тамом ўлдириб, от устига олмоққа ҳаракат қилди. Сайёҳ қаршилик кўрсатди, ораларида урушжанжал бўлди. Отлик одам қилич билан уриб, овчининг бошини танасидан жудо килди. Йўлбарс жасадини от устига олиб

йўлга тушди. От бир нарсадан хуркиб кетган эди, у одам йиқилиб гардани синди, дарров жон берди.

Мана дилозорлик, жабр-ситам натижаси.

Ўжарлик оқибати

Икки отлик чўлу биёбонни кезиб борардилар. Улардан бирининг кўзи ожиз эди. Кун қорайгандан кейин қулайроқ ерда тўхтаб, кечани шу ерда ўтказмоқчи бўлдилар. Эрталаб яна отландилар. Кўр киши қамчисини излай бошлади. Бир илон совуқда караҳт бўлиб ётарди. Кўр киши уни қамчи гумон қилиб қўлига олди. Кўзли одам шеригининг қўлидаги илонни кўриб, дарров унинг ёнига югуриб келди.

— Биродар, қўлингдаги нарса қамчи эмас, заҳарли илондир, ташла, бўлмаса сени чақиб ҳалок қиласди,— дея фарёд қилди.

Кўр киши: «Шеригим бу юмшоққина қамчини ўзи олмоқчи бўлса керак», — деб гумон қилди. Унинг сўзини қабул қилмай:

— Бу давлат, баҳт иши, мен эски, қамчимни йўқотган эдим, толеим мадад қилиб, юмшоққина қамчига эга бўлдим.

Сенинг афсона сўзларингга ишониб, бу қамчимдан ажралишни истамайман,— деди.

Ҳамроҳи қулиб:

— Эй дўстим, ҳамроҳлик ҳақига риоя қилиб, сени огоҳлантиридим,— деса ҳам, кўр ўз фикридан қайтмади, балки шеригининг беғараз ҳақли сўзидан аччиқланиб:

— Биламан, қамчимга ҳавасинг келиб, менинг қўлимдан олмоқчисан, сенинг сўзингга алданиб бўпман, хомхаёлингни қўй, бекорчи афсона сўзларни айтма,— деди.

Ҳамроҳи яна қасам ичib, тўғри айтганини уқтиришга тиришса ҳам, ўжар кўр асло қабул қилмади. Кун исиб, баданидан карактлик кетгаch, илон ўзини роствлаб, кўрнинг қўлини чақди. Унинг заҳари дарров таъсир қилиб, кўр киши жон берди.

Шундай қилиб, ўжарлик ва нафс кўрнинг қўнгил кўзини ҳам ожиз қилиб, уни ҳалокатга етказди.

* * *

Машҳур олимлардан Якуб Чархий айтади:

— Ахлоқсиз, тарбиясиз одамлар билан кўп сухбатлашма. Уларнинг сухбати сенинг

пок қалбингни ифлос қилади. Кўрмайсанми, қуёш шундай буюк бўлса ҳам озгина булут унинг юзини беркитиб, нур сочишдан маҳрум қилади.

Чақимчига мукофот

Қадим замонда ҳокимлардан бири овга чиқди. Ҳоким ва у билан бирга овга чиққанлар бир ерга келиб тушдилар. Ҳамма бирор иш билан машғул бўлди. Ҳоким ўз жиловдор – отбоқарини ёнига чақириб:

– Сен билан бирга отда чопишни кўп вактдан бери орзу қиласман, кимнинг оти чопқир эканини билишни истайман, – деди.

Отбоқар қабул қилди, отига миниб чопди, ҳоким унинг кетидан қувлади. Шикор жойидан анча узокқа кетдилар. Ҳоким отини тўхтатиб, отбоқарга ҳам тўхтатишга буйруқ берди, уни ёнига ўтказиб:

– Эй жиловдор, кўнглимга келган бир фикрни айтмоқчи бўлиб, сен билан бирга бу ҳоли ергача от чоптириб келдим. Ҳаммадан кўра сенга ишонганим учун сиримни фақат сенга баён қиласман, эҳтиёт бўл, ҳеч ким сез- масин, – деди.

Отбоқар таъзим қилиб:

— Модомики, сиз менга ишонган экансиз, сирингизни ҳеч кимга ошкор қилмайман, ҳеч ким воқиф бўлмайди, деб ҳокимга ваъда берди.

Ҳоким отбоқарнинг сўзидан хурсанд бўлиб, кўнглидаги сирини унга айтди:

— Укамнинг шу кунларда қилган ҳаракатидан шубҳага тушиб қолдим, мени ўлдирмоқчи бўлса керак. Шунинг учун мен укамни йўқ қилмоқчиман. Сен ёнимдан узоқда кетмай, мени асраб юр.

Отбоқар ҳоким сирини сақлашга, ҳокимнинг ўзини асрашга ваъда бериб, қасам ичди. Ҳоким овдан қайтиб, ўз саройига кириши биланоқ, отбоқар бевафолик қилиб, хиёнат кўчасига қадам қўйди. Фурсат топиб ҳокимнинг укасига эшитганларини баён қилди. Ҳокимнинг укаси бу чақимчи отбоқардан хурсанд бўлиб, унга насия иноят ва ваъдалар қилди.

Ҳокимнинг укаси яхши тадбир билан ўзини асрар эди. Орадан кўп вақт ўтмай, ҳоким вафот топди, унинг ўрнига укаси ҳоким бўлди, у дарров чақимчи отбоқарни дорга осиш-

га буйруқ берди. Чақимчи отбоқар ўзининг қилган хиёнатини сўзлаб, кўп зору тазарру қилса ҳам, янги ҳоким қабул қилмай:

— Сирни фош қилишдан, чақимчиликдан ёмонроқ гуноҳ йўқдир. Акам сенга ишониб, сирини айтди, сен хиёнат килиб, сирини фош қилдинг, менга келиб чақдинг. Акамга вафо қилмаган одам менга вафо қилармиди? Ана энди чақимчилигингнинг жазосини кўр,— деб дорга остирди.

Бирорга чоҳ қазисанг...

Эрон шаҳарларининг бирида ўзининг ярамас феъл-атвори билан танилган Убайд исмли бир киши яшарди. У ножӯя ҳаралари билан халқнинг осойишталик хирмонини кўйдирар, ёмон ахлоқнинг ўнқирчўнқир, носоз даштида қадам ташларди. Мардлик ва инсоният дастурхонининг неъматидан луқма олмасди.

Бу юзсиз, ор-номуссиз Убайднинг гўзал, ахлоқли, тарбияли хотини бор эди. Нобакор Убайд хотинига бир вақт ҳам очиқ юз, ширин сўзлик билан муомала қилмасди, унинг ҳар бир сўзига аччиқ-аччиқ жавоб бериб,

бечоранинг кўнглини вайрон этарди, хотининг ҳар қанча қилган насиҳати адабсиз эрга сира ҳам таъсир қиласди.

Кунлардан бир кун нопок Убайд уйига келиб, хотинини сабабсиз ура бошлади. Ниҳоят, жоҳиллиги қайнаб-тошиб, бир катта харсанг тошли кўтариб, хотинининг босига қаттиқ туширди. Бечора хотини шу замониёқ тил тортмай жон берди.

Убайд шу қилиб қўйган ярамас ишидан кўркувга тушди, мурдани холироқ бир ерга яширди. Кўпни кўрган қарироқ бир одам билан келишиб, фожианинг келтирадиган натижасидан ўзини қутқармоқчи бўлди. Шуният билан югуриб кўчага чикди. Шу чоқда Азимхўжа исмли бир савдогар кўчадан ўтиб кетаётган эди. Савдогар Убайднинг кўзига илиқ кўринди шекилли, салом бериб, уни тўхтатди. Кўчанинг холироқ ерига дазват қилиб, у ерда воқеани бирма-бир баён қилди, жазодан қандай қилиб қутулиш учун ундан маслаҳат сўради.

Азимхўжа савдогар бир оз ўйлаб туриб:

— Чиройлик, келишган бир йигитни уйингга олиб кириб ўлдир, жасадни хотининг жасади ёнига қўй, кейин қўшила-

рингни йигиб: «Уйимга келиб кўрсам, хотиним бир ёш йигит билан ўйнашиб ўтирган экан, ҳамиятим қўзғалиб, хотинимни ҳам, йигитни ҳам ўлдирдим», – деб айт, халқ сўзингга ишонади. Сенга шу маслаҳатни бераман. Агар маслаҳатимга амал қилсанг, жазоинг енгиллашади, ўлим жазосидан кутуласан,— деди.

Баттол бойнинг ярамас маслаҳати Убайдга маъқул бўлиб, бир чиройлик ёш йигитни кута бошлади. Савдогар кетгандан кўп вақт ўтмай, кўчадан бир келишган, чиройли йигит ўта бошлади. Малъун Убайд йигитнинг йўлини тўсиб, таъзим қилиб, айтди:

– Укам, сизга бир илтимосим бор, шояд қабул қиласиз, деб умид қиласман. Мен меҳмонсиз овқатланмайман. Шунинг учун овқат вактида кўчага чиқиб, биринчи кўринган одамни уйимга таклиф қиласман. Бу гал биринчи бўлиб сиз йўлиқдингиз, уйимга марҳамат қилинг, азиз меҳмоним бўлинг.

Йигит ҳар қанча узр айтса ҳам, Убайд қабул қилмай, уни уйига судради. Ниҳоят, йигит унинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлди. Уйга кирдилар. Нобакор Убайд эшикларни беркитиб олиб, у бечорани ҳам

ўлдирди, жасадини хотини жасади ёнига олиб келиб қўйди, кейин савдогар ўргатганидай қўшниларига хабар берди. Шу чоқда Азимхўжа савдогар ишидан қайтиб келаётган эди, Убайд уни уйига олиб кириб:

— Маслаҳатингизга амал қилиб, мана шу чиройлик йигитни ҳам ўлдирдим, — деб йигитнинг жасадини кўрсатди. Азимхўжа савдогар дод-фифон қилиб ўзини йигит жасади устига ташлади. Бу йигит Азимхўжа савдогарнинг ўз ўғли эди. Баттол савдогар ўзини юлиб-юлқиб, бошига тупроқ сочиб йиглади, ниҳоят қайғусига чидолмай, бошини харсангта қаттиқ урган эди, мияси пачоқ бўлиб, ҳалок бўлди. Ножўя берган маслаҳати дорига ўзи осилди.

Йигилган одамлар Убайднинг уйига бостириб кирдилар. Уч ўликни кўрган халқнинг фарёду фигони осмонга кўтарилиди. Убайд малъунни тутиб боғладилар, воқеани шаҳар ҳокимига хабар қилдилар. Ҳоким фожиа содир бўлган ерга кишилари билан етиб келди. Халқ орасидан ҳоким ҳузурига бир хотин эри билан келиб, Убайднинг уйидан ўз уйларига очилган туйнукдан Убайднинг

қилган жиноятларини кўриб турғанларини сўзлаб, гувоҳлик бердилар.

Халқ ғазабланиб, ҳокимдан жиноятчи Убайдга қаттиқ жазо беришни талаб қилди. Ҳоким ҳам Убайднинг ярамас киши эканини биларди. Тергов натижасида қотил Убайд ўз жиноятига икрор бўлиб, савдогарнинг маслаҳатига кириб, йигитни ҳам ўлдирганини айтиб берди. Ҳоким уни дорга остирди.

Байт:

Кимки бадкору, бадхаёл бўлса,
Яхшиликнинг юзини ҳеч кўрмагай.

Тавба қилмоқ баёнида

Ҳақиқий тавба – қилган ярамас ишлардан ўкиниб, у ножӯя ишлардан тортинмоқдир. Тавба – гуноҳкорни исён лойидан тозалайди. Тавба – ёвузлик йўлининг ниҳояти, ҳидоят кўчасининг бидояти, бошидир. Тавба – манманлик ғафлатидан сесканиш, ўзининг номаъқул аҳволини англаб, номуносиб ишлардан пушаймон бўлишдир.

Бу гавҳар кимга муяссар бўлса, у одам қилган номаъқул ишларидан уялиб, уят дуди димоғидан чиқади, қилган номаъқул

ва номақбул ишларини эслаб афсуслана-ди, у ношойиста ишларни иккинчи бор қилмасликка бел боғлади. Шу билан ярамас ишларга чек қўяди, эгри йўлдан воз ке-чиб, тўғри йўлга қадам босади.

Байт:

Ўзингни айла тавба бағрига гарқ,
Юзингдан шамъи имонинг урар барқ.

Туз ҳақи

Бир ўғри қоронғи кечада ер остидан нақб кавлаб, подшоҳнинг хазинасига кирди. У ердаги олтин ва қимматбаҳо гавҳардан бир рўмолни тўлдириб олди. Чиқиб кетиш олдида олмосдек ялтираб турган бир нарсага кўзи тушди, қоронғи тунда яркираб турган бу нарсани гавҳари шамчироқ деб ўйладида, кўлига олиб ялаб кўрди. Бу қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойи-га қўйиб, ҳеч нарсани олмай, нақб орқали чиқиб кетди.

Эртаси кун эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

— Ўғрилар нақб кавлаб, хазинага кирган-лар. Қизиғи шуки, ўғирлаган қимматбаҳо

нарсаларини яңа жой-жойига қўйиб, чиқиб кетганлар, – деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажжуб қилиб:

– Нақб кавлаб, хазинамга кириб, қимматбаҳо нарсалардан бирортасини ҳам олмай, чиқиб кетган ўғрилар келиб, бунинг сабабини айтсинлар. Мен уларга ҳеч бир жазо бермайман, – деб эълон қилди. Хазина-га кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эши-тиб, унинг ҳузурига келди ва таъзим қилиб айтди:

– Хазинангизга нақб кавлаб фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг дахли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

– Хўп, шунча меҳнат билан нақб кавлаб, хазинамга киргансану, ҳеч нарса олмай чиқиб кетгансан, бунинг сабаби нима? – деб сўради.

Ўғри айтди:

– Подшоҳнинг тузини тотиб кўрдим. Туз ҳақига риоя қилиб, ҳеч нарса олмай, қайтиб кетдим. Туз ҳақига риоя қилмаслик ярамас кишилар иши, – деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-эҳсон қилиб, уйига қайтишга рухсат берди.

Донишмандлар шу каби гўзал хислатларга эга бўлган одамлар билан дўстлашиш ва уларнинг сухбатларидан фойдаланишни тавсия қиласидилар.

ЖАМИЯТ ВА ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ЭЪЗОЗЛАНАДИ

Халқ донишмандлари ва улуғ алломалар-нинг ҳикматли сўзларини мулоҳаза қилсак, биз фақат ўз шахсий фойдамизни кўзлаш учунгина эмас, Ватан, қариндош-уруғ, дўстлар ва, умуман, ҳар бир одамга эзгулик қилиш, фойда етказиш учун дунёга ташриф этганмиз. Балиқ сувда яшагани каби, инсон кишилийк жамияти ичидаги яшайди. Инсонлар орасида илм, маърифат чекланган сари одам иккинчи бир одамга муҳтож бўлганини сезади. Саломатлигимизни сақлаш учун бир қанча воситаларга муҳтожмиз. Ҳатто бир парча нонимизнинг қандай воситалар билан ризқ бўлиб оғзимизга кирганини фикр этсак, одамларнинг ҳаммаси бир-бирига боғланганликларини тушунамиз. Одам ҳар қанча бой, обрўли ва эътиборли бўлса ҳам, барибир у бошқаларга муҳтож бўлмасдан иложи йўқдир.

Байт:

Ушла жамият этагин, ушлагил,
Ҳеч бир иш ёлғизлик ила битмагай.

Бошқаларга эзгулик қилишдан мақсад фақат инсон бўлганимиз учундир. Шахсий фойдамизни кўзлаб, бошқаларга эзгулик қилиш асло тўғри эмасдир. Эгри йўлга кирган одамни фойдали насиҳатлар билан тўғри йўлга солиш, мушкул аҳволда қолган одамни мушкулликдан қутқазиш, бир кишининг билмаган нарсасини унга билдириш, тушунириш – мана бунга ўхшашларнинг ҳаммаси эзгулик қилишdir.

Байт:

Гар сенга юз келтирур бўлса киши,
Биткара кўр қандайин бўлса иши.

* * *

Элу юрга манфаат етказмасанг,
Сенга асло бахту давлат келмагай.

Саховат

Бир муруватли, сахий одамнинг жуда кўп дони бор эди. У турган шаҳарда озиқ-озиқ танглиги бошланди. Сахий одам ҳамма донларини бева-бечораларга улашиб тугатди. Танглик кучайгач, ўзи ҳам донга муҳтож бўлиб қолди. Кишилар уни маломат қилишди:

—Кизиқ одам экансан, ўзинг мұхтожликка тушиб қолишиңгни била туриб, нега донларингни ҳаммага улашиб бериб юбординг?

Сахий киши деди:

— Халқ оч бўла туриб, мен роҳатда яшасам, инсофизлик қилган бўламан. Очлик азобини халқ билан баробар тортишни, халиқ қайғусига иштирок этишни виждоним буюрди. Мен виждоним буйруғига итоат қилдим.

Ҳиммат

Улуғ ҳимматли одам марҳамат қўлини кўпчилик манфаати томон очади. Агар рўзгор ҳодисалари унинг ҳиммат отини бу йўлда тойдирса, сабру бардош жиловини қўлдан чиқармайди. Эл манфаати йўлида қилган хизмати учун бирор нарса таъма қилмайди. Кўрмайсизми, қуёш ерга нурини ҳар қанча сочса ҳам, ердан бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Атиргул ўз хушбўйлиги билан ҳамманинг димогини муаттар қилса ҳам, ҳеч кимдан мадад орзусини хотирага келтирмайди:

Кимсага ҳаргиз суюнмас, ҳиммат аҳли доимо,
Осмоннинг чодири турган танобу чўпсиз.

Ажаб саодат

Ярамас, бузук ишларнинг эшиклари саноқсизdir. Хушёр, сезгириликни сира ҳам кўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан харакат қилмасангиз, бузук йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Майшатингизнинг ҳозирча яхши ўтиб турганига мағрут бўлманг, оқибатини ўйлаб, шунга қараб ишингизни олиб боринг. Тавозени ўзингизга шиор қилиб олинг, манманликдан қочинг, камтар бўлинг.

Ҳорун билан боғбон

Ҳорунаррашид Боғдод атрофидаги кўчаларини кезиб юраркан, қари бир боғбоннинг хурмо кўчати ўтқазаётганини кўрди. Унинг ёнига келиб, салом бериб ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин деди:

— Хурмо дарахтининг кўчати кўп йиллардан кейин ҳосил беради, унгача сиз ўлиб кетасиз, мевасидан ея олмайсиз, меҳнатингиз бекор кетади, деб ўйлайман.

Боғбон чол Ҳорунга шундай деди:

– Боболаримиз экдилар, биз едик, энди
биз эксак, болаларимиз ейдилар.

Боғбоннинг сўзи Ҳорунга хуш келиб,
унга юз олтин инъом қилди. Боғбон шукр
қилди. Ҳорун шукрининг сабабини сўради.

Боғбон:

– Бошқалар эккан хурмо кўчати узоқ йил-
лардан кейин ҳосил берса, менинг кўчатим
шу куннинг ўзидаёқ ҳосил берди, – деди.

Ҳорун кулиб, унга яна юз олтин инъом
қилди, боғбон яна шукр бажо келтирди.


Ҳорун бу иккинчи шукрининг сабабини
сўради, боғбон кулиб жавоб берди:

– Бошқаларнинг кўчати йилда бир марта
ҳосил берса, менинг кўчатим бир кунда
икки марта ҳосил берди.

Ҳоруннаррашид боғбоннинг закий одам
эканини англаб, таҳсин-оғаринлар ўқиди.

ИЛОВА

СИЛДИРДИКИМДА
СИЛДИРДИКИМДА
СИЛДИРДИКИМДА
СИЛДИРДИКИМДА
**АЛ-БУХОРИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН
АХЛОҚИННИГ ШАКЛЛАНИШИ**



АЛ-БУХОРИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН АХЛОҚИ МАСАЛАСИННИГ АКС ЭТИШИ



ФОРОБИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН АХЛОҚИННИГ ШАКЛЛАНИШИ



ФОРОБИЙ ТАЪЛИМОТИДАГИ АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИК ТАЛАБЛАРИ

1. Саломатлик
2. Нозик фаросат
3. Яхши хотира
4. Зукколик
5. Шириңсұханлик
6. Илмга чанқоқлик
7. Нафсни тия олиш
8. Ҳақиқатпарварлық
9. Олижаноблик
10. Камтарлық
11. Адолатпарварлық
12. Қатыятылдылық

1. Донишмандлық



2. Жасурлық



3. Ижодкорлық



4. Олдиндан күра билиш



5. Нотиқлық



6. Ҳар соҳада моҳирлық

КАМОЛОТ

АХЛОКИЙ БАРКАМОЛЛИККА ЗИД ИЛЛАТЛАР



- | | | |
|------------------------|----------------|-------------------|
| - Эътиқодлилик | - Садокатлилик | - Сабр-токазлилик |
| - Адолатлилик (одилик) | - Диённатлилик | - Рахмидиллик |
| - Йигизомлилик | - Поклик | - Кимматлилик |
| - Тўғрилик | - Сабогтилийк | - Гавозелик |

ОДОБ – ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ БИРИНЧИ ОМИЛИ



ИНСОНПАРВАРЛИК – БУ УЛУҒ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

```
graph TD; A[ИНСОНПАРВАРЛИК – БУ УЛУҒ  
ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ] --> B[ИНСОНПАРВАРЛИК]; B --> C[Инсонпарвар инсон қалбида эзгу ниятлар  
барқ уради, қалбини ахлоқ маданияти эгаллади,  
лоқайдлик, раҳмсизлик каби иллатларга нисбатан  
муросасиз бўлади.]
```

The diagram illustrates the concept of Insonparvarlik (Inson's Will). It starts with a box at the top labeled "ИНСОНПАРВАРЛИК – БУ УЛУҒ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ". An arrow points down to a second box labeled "ИНСОНПАРВАРЛИК". From this second box, an arrow points down to a third box containing the following text: "Инсонпарвар инсон қалбида эзгу ниятлар барқ уради, қалбини ахлоқ маданияти эгаллади, лоқайдлик, раҳмсизлик каби иллатларга нисбатан муросасиз бўлади."

ВАТАНПАРВАРЛИК – БЕНАЗИР ФИДОЙИЛИК

ВАТАНПАРВАРЛИК

- ота-боболаримизнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш.
- Ватанга, унинг табиати ва халқига муҳаббатли бўлиш.
- Ватан тарихи, маънавиятини билиб олишга кизиқиш, авайлаб асрараш ва бойитиш.
- Миллий она тилини эъзозлани, бойитиш.
- Ватан қадрияти ва ютуқларини ўз билими ва меҳнати билан мустаҳкамлаш.

Ватанпарвар – ўз ватани ва халқини чексиз севган, Ватан манфаати учун фидойилик кўрсатган инсон.

ХОТИМА

Жамиятимиз негизи бўлган оила республикамида турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилган, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга.

Ота-она – болага устоз, тарбиячи, яшаш учун ҳаёт майдонида баробар ишловчилардир. Ҳар бирининг ўз табиатига ва жисмига муносиб маҳсус ишлари бор. Шунинг учун эр билан хотиннинг ҳар иккиси баб-баравар иззат ва хурматга, тенг ҳуқукка эгадирлар.

Она – бош тарбиячи. Болани тарбия этиш усулидан хабардор бўлиш аёллар учун лозим бўлган ишларни билиш, гўзал ва хунук хулклардан хабардор бўлиш – аёлларнинг вазифаларидир.

Ота-она фарзандларига нисбатан гўзал ҳомий ва насиҳатгўй бўлишлари лозим. Бундай гўзал муомала фарзанд билан ота-она орасидаги меҳру муҳаббатни янада кучайтиради.

Фарзандларнинг гўзал одобли, ахлокли, тарбияли бўлишлари учун, аввало, ота-оналарнинг ўзлари гўзал хислатга эга, ўрнак бўлишлари шарт. Бу уй аҳли, яъни ота-она, ўғил ва қизларнинг биргаликда тотувлик билан яшашларида муҳим омилдир.

Ишончимиз комилки, муҳтарам ота-оналаримиз бола тарбиясида Ватан, жамият талаб қилаётган бурчни шараф билан адo этадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», Т. «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», Т. «Ўзбекистон», 2000.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», Т. «Ўзбекистон», 1992.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Таълим тўғрисида», Т. 1997.
5. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Т. 1997.
6. «Баркамол авлод орзуси», Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 1999.
7. «Донишмандлар тарбия хусусида», Т. «Ўқитувчи», 1982.
8. Зуннунов А., Маҳкамов У. «Дидактика», Т. «Шарқ», 2006.
9. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», Таржимон ва тўпловчи Ш. Зуннун. Т.Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
10. Қориев М. «Дурдоналар хазинаси», Т. «Шарқ», 1999.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Оилада бола шахсини шакллантириш	8
Ота-она – биринчи мураббий, устоз.....	18
Ота-онага ҳурмат	38
Донишманд оталар насиҳати	46
Буюк алломалар маслаҳати, насиҳати, ҳикмати	62
Ёвузлик жазоланади.....	76
Жамият ва одамларга яхшилик қилиш эъзозланади.....	97
Илова	102
Хотима	109
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	110



PLATINUM PUBLISHERS

O'zbekiston, 700077, Toshkent shahri

Biyuk qo'shni ko'chasi, 38. Tel. 2607707